



УЛКАН КОИНОТДАН ЭНГ МАЙДА ЗАРРАГАЧА

Қуръони каримда «Барча мақтовлар оламлар Парвардигори Аллоҳгадир» мазмунли оят бор. Бу оят “Қуръоннинг онаси” деб таърифланган Фотиха сурасидаги биринчи оятдир.

«Оламлар Парвардигори...» Шу жумла мазмунига эътибор қилинг. Оламлар дейилганида бутун борлиқ нарсалар — инсоният, фаришталар ва жинлар, ҳайвонот, наботот, жамодот, коинот ва бошқа оламлар тушунилади. Аллоҳ таоло бу оламларни яратиш билан бирга уларни асрайди, бош-қаради, ризқлантиради. Яратган билан яратилмишлар орасидаги алоқа ҳеч қачон, ҳар қандай ҳолатда ҳам узилмайди.

Бу оламларни тўлароқ ҳис этиш учун хаёлан бир сафар қилайлик. Яшаб турган маҳалла ёки қишлоғингизни туманга солиштириб кўринг: туманда бундай қишлоқлардан камида эллик-олтмиштаси бор. Бу маълумотларни вилоят миқёсига солиштирсангиз, салмоқ янада катталашади: вилоятда бундай туманлардан камида ўн-ўн бешта. Мамлакатимизда эса вилоятлар ўн учта эканини ҳисобга олсак, демак, Ўзбекистонимиз ҳам жуда катта мамлакатлардан бири экан. Масалан, Андижондан Нукусга бориш учун тезюрар автобусларда бир кеча-кундуз тўхтамай йўл бошиш керак.

Шундай катта мамлакатни жаҳонга қиёслаймиз. Дунё мамлакатлари майдони юз фоиз деб олинса, Ўзбекистон бу ҳудуднинг бор-йўғи 0,33 фоизини эгаллайди. Аҳоли сони бўйича эса жаҳон кўрсаткичининг 0,4 фоизига барабармиз. Ер юзиде инсонлар макон тутган қуруқлик чексиз эмас: курамыз юзасининг йигирма тўққиз фоизигина одам яшайдиган қуруқликдан, қолган етмиш бир фоизи денгиз ва уммонлардан иборат.

Ернинг умумий сатҳи 510 миллион квадраткилометрни, оғирлиги 5,976 секстиллион тоннани ташкил этади. Бу қанча демоқчимисиз? 5976 рақами ёнига яна йигирма битта нол ёзинг. Экватор узунлиги эса қирқ минг километрдан ортиқ. Инсонлар ана шундай улкан сайёрани макон тутишган.

Инсоният яшаб турган Ер қурасини Қуёшга менгзайдиган бўлсак, Қуёш салмоғининг ўзиёқ инсон ақлини шошириб қўяди. Қуёш Ердан 1.297.000.000 марта катта. Яъни, Қуёш ичига Ер каби сайёрадан бир миллиард икки юз тўқсон етти миллионтасини жойлаш мумкин. Қуёш Ердан 324 минг марта оғир. Ердан Қуёшгача бўлган масофа 149 миллион 600 минг километр. Қуёш маркази ўн беш миллион даража иссиқ. Инсони-

ят қурган қувват манбаларини уч миллиард дона деб оладиган бўлсак, улар бир йил тўхтовсиз ишласа, Қуёшдан фақат бир сонияда чиққан қувватни ишлаб чиқара олади, холос.

Энди фикр доирасини яна кенгайтириб, атрофимизни ўраб турган саноксиз сайёралардан иборат галактика ўлчамлари билан танишайлик: бизнинг галактика (миллиардлаб осмон жисملари тўплами) «Сомон йўли» деб аталади. Унинг таркибида Қуёш

тизимига кирувчи Ер, Зухал, Миррих, Муштарий, Чўлпон каби тўққиз сайёра, шунингдек, 200 миллиарддан ортиқ юлдуз бор. Бизга энг яқин ва ёрқин юлдуз Сентавр Алфаси Ердан 46 триллион километр



олисадир. Бу юлдузлардан кўпининг катталиги Қуёшга тенг, баъзиси ундан улканроқ, айримлари кичикроқ. Сомон йўлининг ҳайбати нақадар улғу эканини тасаввур қилиш учун бир мисол: Қуёшдан чиққан ёруғлик саккиз дақиқада Ерга етиб келади, Сомон йўлининг бир учидан иккинчи учигача бориши учун эса юз минг йил керак бўлади. Қуёш тизимига энг яқин «М-85» номли галактика уч ярим триллион юлдуздан иборат.

Бу сўнгсиз Коинотда қанча галактика борлиги маълум эмас. Франсуз олими Морис Бокай улар сонини бир неча миллиард дейди. Бизлар англаган битта Сомон йўли галактикаси шунчалар ақл олмас даражада улкан экан, бундай галактикалардан яна миллиардлаб борлиги ҳар қандай кучли ақлни ҳам шошириб қўйиши аниқ. Энг яқин галактикага етиш учун икки миллион ёруғлик йили керак бўлади, узоғига «бориш» учун эса триллионлаб ёруғлик йили зарур. Бир сонияда уч юз минг километр тезлик билан бир йилда босиб ўтилган масофа бир «ёруғлик йили» дейилади. Ёруғлик йили 9.500.000.000.000 километрга тенг.

(Давоми 9-бетда)

АЛЛОҲ ТАОЛО КИМЛАРНИ ЁМОН КЎРАДИ?

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَنْ كَانَ مُخْتَالًا فَخُورًا ﴿٦٤﴾

«Аллоҳ таоло ўзини катта тутувчи ва фазилати билан мақтанувчини асло яхши кўрмайди» (Нисо, 36).

وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُفْسِدِينَ ﴿٦٤﴾

«Аллоҳ таоло бузғунчиларни яхши кўрмайди» (Моида, 64).

إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ ﴿٦٤﴾

«Аллоҳ таоло ҳаддан ошувчиларни асло яхши кўрмайди» (Бақара, 190).

إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْخَائِبِينَ ﴿٦٤﴾

«Аллоҳ таоло хиёнат қилувчиларни асло яхши кўрмайди» (Анфол, 58).

إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِينَ ﴿٦٤﴾

«У (Аллоҳ таоло) исроф қилувчиларни асло яхши кўрмайди» (Аъроф, 31).

وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الظَّالِمِينَ ﴿٦٤﴾

«Аллоҳ таоло золим-зўравонларни яхши кўрмайди» (Оли Имрон, 57).

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Анвар ТУРСУН
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулхамид ТУРСУН
Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Исомиддин ОЛИМОВ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад МУҲАММАД

Муқова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Саҳифаловчи

Юсуп САБУРОВ

Маттни

Раҳима КАРИМЖОН қизи билан Зебунисо
теришди.

Манзилимиз:

100069 Тошкент шаҳри
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;
Тел: 240-45-62, 227-34-30.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: hidoyat_jurnali@mail.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2010 йил 5 майда рухсат берилди.
Босмахонага 2010 йил 7 майда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 38100 нусха.
993-сон буюртма. «Shaq» нашриёт-матбаа
ҳиссадорлик компаниясида босилди.

Қўлёмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан
фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос
ва рақамлар учун муаллиф масъул.

Хат юборилганда исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Тафаккур	
Аҳмад МУҲАММАД	
Улкан коинотдан энг майда заррагача	1
Таянч нуқта	
Аллоҳ таоло кимларни ёмон кўради?	2
Ҳадис шарҳи	
Абдулазиз МАНСУР	
Чиройли хулқ имондандир	7
Баркамол авлод йили	
Ғули АБДУРАҲИМОВА	
Яхши сўзинг – ёруғ юзинг	8
Ибора ҳаёти	
Жалолиддин НУРИДДИНОВ	
Билимдилар синов	
Умид ХУЖАЕВ	
Анджондаги беллашувлар	9
Илм масканларида	
Ҳайдархон ЙУЛДОШХУЖАЕВ	
Тошкент Исломи институт: кеча ва бугун	10
Хотира	
Абдуллоҳ НОДИРОВ	
Соз кечган умр	12
Давронбек АБДУРАҲИМОВ	
Эгу ишларга гайратли эди	13
Яхшиликка чақириш	
Ғуломжон БОБОЖОНОВ	
Амалларимиздаги шукр	13
Маълумотхона	
Тоҳиржон ИБОДУЛЛАЕВ	
Миннатдорлик билдиришяпти	14
Оила одоби	
Муҳаммадзафар МУҲАММАДУМАР ўғли	
Никоҳ нима билан мустаҳкам?	15
Олисларга саёҳат	
Аҳмад ТУРСУН	
Сенегал Республикаси	16
Муносабат	
Лола ЧОРИ қизи	
Аҳиллик ва барака боиси	17
Мовароуннаҳр уламолари	
Маҳфуза АЛИМОВА	
Имом Доримий	18
Имом Доримий ривоятлари	19
Насихат	
Она ҳақиқа диққатли бўл	19
Мусулмон одоби	
Ирода МИРЖАЛИЛОВА	
Касалларни йўқлаш фазилати	22
Масала	
Бир савол сўрасам	23
Шеърят	
Исмоил Маҳмуд МАРФИЛОНИЙ	
Эътибордан қолмасин	24
Абдуғафур МАМАТОВ	
Хаёлот	25
Суюндик МУСТАФО	
Олгин дуо	25
Аёллар саҳифаси	
Сарвинисо КАМОЛОВА	
Бошқа-бошқа дунё одамларимиз...ми?	26
Дилноза ТҮЙЧИЕВА	
Уйимиз ҳаловат манбаи бўлсин	26
Долзарб мавзу	
Акмал ТОШЕВ	
Бугунчининг биттаси ҳам кўп	27
Хотира ва қадрлаш кун	
Сирожиддин АҲМАД	
Султон қори ким бўлган?	28
Болалар саҳифаси	
Дилафрўз САЛОҲИДДИН қизи	
Бир соатингизни бера оласизми?... ..	29
Қийинчилик ортида энгиллик бор	29
Ижтимоий ҳаёт	
Аббос ТУРСУН	
Бошқаларга озор берманг	31
Боғбон маслаҳати	
Фарҳод АСҚАРОВ	
Ток парваришни ёқтиради	32
Мактубларда манзаралар	
Абдуҳаким ЙУЛДОШЕВ	
Қишлоғим фахрим	32

Бугуннинг гапи

Эркин МАЛИК

ЭЪТИРОФ

4

Абу Дабидаги нашр ишлари бўйича раҳбар Муҳаммад Амин сўзга чиқди. “Президент Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асариди, – деди у, – минг йиллар давомида инсоният тарафидан яратилган маънавий бойликнинг куч-қудрати, унинг бугунги глобаллашув давридаги имкониятлари амалий ва назарий томонлари билан кенг очиб берилган. Шунинг учун асар биз, арабларнинг ҳам сеvimли китобимиз бўлиб қолди”

Саҳобалар ҳаёти

Абдураҳмон РАЪФАТ ПОШО

ҲАББОБ ИБН АРАТ

6

Ясриб аҳли Ҳаббоб ибн Аратни (розийаллоҳу анҳу) яхши дўст каби қарши олди. У қалбида биринчи марта узоқ йиллардан бери излаб юргани руҳий хотиржамликни туйди. У Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) билан бевосита суҳбат қилиш бахтига муяссар бўлганидан жуда мамнун эди.

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Тинчликка хизмат қилайлик

МАГАТЭнинг собиқ раҳбари Муҳаммад Барадей йирик ғарб мамлакатларининг Яқин Шарқ минтақаси мамлакатларида кескинлик кучайишига, кўпуровчилик авж олишига сабаб бўлаётганини таъкидлади. Унинг айтишича, энди ғарб давлатлари минтақада зўравонларни қўллаб-қувватлаш сиёсатидан воз кечишлари керак.

22

Ибратли ҳикоялар

Жалолиддин РУМИЙ

ҲАЙВОНЛАРНИНГ
ТИЛИНИ БИЛГАН ОДАМ

Бир зарарга учраш бир неча зарарларни даф этади. Жисмимиз, молимиз жонларимизга фидодир, жонимизга келадиган бало Аллоҳнинг амри билан жисмимизга, молимизга урилади. “Ғазабга учрадингми, молингни бериб, бошингни омон сақлайсан. Буни билганинг ҳолда, балога йўлиққанингда не учун Аллоҳдан молингни олиб қочишга уринасан?”

30



ЭЪТИРОФ

Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Абу Даби шаҳрида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китоби тақдими бўлиб ўтди.

ЙЎЛДАГИ ЎЙЛАР

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига кўниб, машинада пойтахт Абу Дабига йўл олдик.* У ерда жаҳон китоблари кўрғазмаси бўлади. Кўрғазма ташкилотчилари таклифига кўра, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Кувайтдаги «Мусайд Бадр ал-Сайир» нашриёти араб тилида чоп этган «Юксак маънавият — энгилмас куч» китоби тақдими ўтказилади. Бу масъулиятли сафар қаламқаш сифатида мени ҳаяжонга соларди. Тақдимиотни жаҳон китоблари кўрғазмасида ўтказишгани бежиз эмас. Ушбу йирик жаҳон китоблари кўрғазмасида тақдимиотнинг ўтказилиши ҳам тасодиф эмас. Чунки бу китоб дунё эътиборига тушди ва жуда кўп мамлакатларда тақдимиоти бўлиб ўтди.

Бундай ҳурмат ва эътирофнинг туб илдизлари қаерда? Бу саволларга жавоб топиш учун асарга, албатта, ўша халқнинг нигоҳи билан қараш, улар билан суҳбат ва мулоқотга киришиш, ҳаёти, турмуш тарзини ўрганиш керак. Кўрғазма саккиз кун давом этади. Китоб тақдимиоти эса унинг тугашига икки кун қолганида ўтказилади.

Самолётда шуларни ўйлаб борар эканман, сафардошим Президентимиз китоби тақдимиоти Абу Дабида иккинчи марта ўтказилаётганини айтиб қолди. Бу хабардан ҳаяжоним янада кучайди.

Амирликнинг замини асосан қумликлардан иборат. Тупроқни бошқа жойлардан олиб келиб, қумга аралаштиришади. Сув эса денгиздан чучитиб олинади ва экинлару дарахт-



лар найчалар билан томчилатиб суғорилади. Биздагидек ҳайқириб, шарқираб оқадиган сувлар қайда? Шуларни кўриб, эшитиб юртимиз чиндан ҳам жаннатмакон эканини ҳис қиламан.

КИТОБЛАР ОЛАМИ

Абу Дабига келган кунимизнинг эртасигаёқ китоблар кўрғазмаси бошланди. Унда дунёнинг олтмиш давлатидан саккиз юз нашриёт вакиллари қатнашишди. Ўзбекистонга кўрғазманинг марказидан жой ажратилибди.

Ҳамдўстлик давлатларидан фақат Ўзбекистон тақдиф қилинибди. Кўрғазма очилиши билан улкан бино китоб бозорига айланди-қолди. Араблар биз олиб борган Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Марғилон, Маъмун академияси, Ўзбекистон табиати, шаҳарлари тарихи ва бугунги кун ақс эттирилган суратли албомларни кўриб, маҳлиё бўлиб қолишди.

Шу пайт бир араб келиб, Президентимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган албомни варақлаб узоқ турди-да, Шаҳноза (“Маънавият” нашриёти муҳаррири) икковимизга арабчалаб нимадир деди. Таржимонимиз ташкилий ишлар билан кетган эди. Эртасига араб яна келди. Қўлида Президентимизнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарини кўриб сергак тортдим. Китобни варақлаб, менга яна нималардир, дея бошлади. Маълум бўлишича, араб дўстимиз Президентимиз ўз китобларида таърифлаб ўтган Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдуҳолиқ Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Маҳ-

* “Шарқ зийёси” газетаси, 2010 йил 17-сон.



муд Замахшарий, Амир Темур, Алишер Навоийлар ҳаёти ҳақида араб тилида китоблар борми, биз бу улуг инсонларнинг номларинигина эшитганмиз, ўзлари ҳақида кўп нарса билмаймиз, деяётган экан. Насиб этса, келгуси йили бўладиган кўрғазмага бундай китобларни албатта олиб келишимни айтдим.

Арабнинг ўз фикрини етказиш учун ҳузуримизга икки марта келганига қойил қолдим. Ана китобга, илмга муҳаббат. Айни пайтда кўп нарсаларни тушуниб етдим. Президентимизнинг “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ” деб катта савй-ҳаракатлар қилаётганлари бежиз эмас экан. Биз қалам аҳли, ноширлар анча орқада қолибмиз. Улуғларимиз ҳаёти, таржимаи ҳолларини турли тилларга ўгириб, аллақачон дунёга олиб чиқишимиз керак эди. Ислоҳ оламида шу пайтгача етишиб чиққан олимларнинг кўпи биздан деб кўкракка уриб юраверибмиз-у, бу томонларини ўйламабмиз. Уларнинг диёримизга қизиқиши ва кўрғазма пештоқидаги байроғимизга қараб “Ватани ал-Бухорий”, “Ватани Ибн Сино” деб сўрашлари шундан эди. Самолётда кўнглимдан кечган умумий яқинлик, муштаракликни аллақачон кашф эта бошлаган эдим. Араблар “Миллий энциклопедия” нашриётида чоп этилган Имом Бухорийнинг икки жилдли «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» ҳадислар китобини катта қизиқиш билан кўлга олишарди. Чунки бу китоб сарлавҳаси арабча имлода ҳам берилган эди-да.

– Президентимиз китоблари туфайли, – деди элчихона ходими, – арабларнинг юртимизга қизиқишлари янада ортиб кетди. Сабаби, китобда нафақат ўзбекларнинг маънавий олами, балки тилидан, динидан қатъи назар, дунёдаги барча халқларнинг эзгу ўй-хаёллари, орзу-истакларини ифодалаган. Мен китобни қайта-қайта ўқиб, шу хулосага келдим.

Сўхбатдошимнинг бу сўзлари мени тўлқинлантириб юборди. “Ўйлайманки, – деб ёздилар Президентимиз ўз китобларида, – ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун ҳам ўзлигини, инсоний қадр-қимматини англаб етган ҳар қандай одам бу ҳақда ўйламасдан яшашини тасаввур қилиш қийин”.

ТАҚДИМОТ

Тақдимот маросими соат ўн бирда бошланди. Унда журналистлар, зиёли шахслар,

расмий кишилар, юртимиз ҳақида кўпроқ билишни истаган оддий китобхонлар қатнашишди. Биринчи сўз олган одам жаҳон китоб ярмаркаси ташкилий қўмитаси аъзоси Абдураззоқ ал-Ҳумайри бўлди. У юртимизда бир неча марта бўлганини, бағрикенг, меҳмондўст халқимизни севиб қолганини, Президент Ислоҳ Каримовнинг мазкур китоби илгаридан дини, диёнатини бир бўлган, аммо кейинги юз йил давомида узилиб қолган дўстона муносабатларимизни қайта тиклашга хизмат қилишини таъкидлаб ўтди. “Бу китоб тақдимотини Абу Дабида иккинчи марта ўтказаямиз. Учинчи, тўртинчи марта ўтказишга ҳам йўқ демаймиз, бу ишдан фақат хузурланамиз”, деди у. Кейин Абу Дабидаги нашр ишлари бўйича раҳбар Муҳаммад Амин сўзга чиқди. “Президент Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида, – деди у, – минг йиллар давомида инсоният тарафидан яратилган маънавий бойликнинг куч-қудрати, унинг бугунги глобаллашув давридаги имкониятлари амалий ва назарий томонлари билан кенг очиб берилган. Шунинг учун асар биз, арабларнинг ҳам сеvimли китобимиз бўлиб қолди”. Суданлик ношир Саид Салим эътиборини тортган яна бир жиҳат китобнинг номи бўлибди. “Китобнинг номи ҳар қандай зиёлини ҳушёр қилади ва ўзига тортади. Матн эса ўзининг оддий тили ва чуқур фалсафаси билан ўқувчини ром қилиб қўяди. Ўқиган киши, аввало ўзи ҳақида, кейин миллати, ватани ҳақида ўйлай бошлайди”. Ал-Хоразмий номидаги халқаро коллеж декани Сами ал-Кусайюжи бундай деди: “Бугунги глобаллашув ва ахборот технологияси даврида ёшлар онгини заҳарлайдиган барча унсурларга, оқимларга қарши курашиш, ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш масаласи китобда куюнчаклик билан асосли айтиб ўтилган. Қадимдан ўзбек диёрининг олимлари фанимиз, динимиз ривожига улкан ҳисса қўшиб келишган. Президент Ислоҳ Каримовнинг мазкур китоби ёшларимизни тарбиялашда энг яхши маърифий китоблардан бўлиб қолади”.

Тақдимотда савол-жавоблар ҳам бўлди. Миср маданият вазирлиги ходими, журналист Лубна ал-Киннани ўтган йилнинг декабр ойида Ватанимизга қилган ташрифи таассуротларини Юртбошимиз китобларига боғлаб, гапириб берди.

Эркин МАЛИК,

Тошкент – Дубай – Абу Даби



ҲАББОБ ИБН АРАТ

Бир куни Ҳузоза қабиласидан Умму Анмар исмли аёл бозорга борди. У ердан миқти гавдали, ақллилиги ва туғма иқтидори сезилиб турган бир болани асраб олди. У билан танишиб олгач, иккаласи бирга йўлга тушишди. Умму Анмар йўлда болани гапга тутди:

- Исминг нима, болакай?
- Ҳаббоб, – деб жавоб берди у.
- Отангинг исми нима?
- Ал-Арат, – деди Ҳаббоб.
- Қаердансан?
- Нажддан.
- Демак, ҳақиқий араб экансан-да, – деб қизиқсиниб қолди аёл.
- Ҳа, Бани Тамим қабиласиданман.
- Қандай қилиб Макка бозорига келиб қолдинг?
- Қишлоғимизга бадавий қабилалардан бири ҳамла қилди. Асирлар ичига тушиб қолдим. Сарсон-саргардон бўлиб юрдим, мана, ниҳоят, сизга йўлиқдим.

* * *

Умму Анмар ёш Ҳаббобни маккалик темирчилардан бирига шогирдликка берди. Зийрак бола тезда бу ҳунарни эгаллади. Ўзи ҳам улғайди, чиниқди. Умму Анмар унга устахона очиб берди, керакли асбоб-ускуналар сотиб олди. Кўп ўтмай бу ишдан фойда кўра бошлади.

* * *

Моҳир уста бўлиб етишган Ҳаббобнинг шуҳрати бутун Маккага ёйилди. Ҳамма у ясаган нарсаларни сотиб олишга ҳаракат қиларди.

Ҳали ёш бўлса ҳам, Ҳаббоб катталарга хос донолиги билан ажралиб турарди. Шу тариқа у катта ёшли, улуғ инсон бўлиб етишди. У кўпинча ишларини тугатар экан, турли салбий иллатлар ичида қолган қавмдошлари ҳақида хаёл сураар эди. Уларнинг бутун ҳаётини чулғаб олган жаҳолатдан даҳшатга тушарди. Баъзан ўзига ўзи: «Қачонлардир бу илмсизлик охирига етади», деб кўяр эди. Ҳаббоб ёруғ кунлар тезроқ келишини кутар, зулмат ўрнини камолот, имон-эътиқод, зиё эгаллашини ўз кўзи билан кўришни орзу қилар эди.

Ҳаббоб узоқ кутмади. Хошимийлардан Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) олиб келган динни қабул қилди.



Шундай қилиб, Ҳаббоб ибн Арат (розийаллоҳу анҳу) ўша даврда Ислом динини қабул қилган олтинчи киши бўлди. Бу ҳодисани таърифлаб тарихчилар: «Ҳаббоб бирмунча вақт Исломнинг олтидан бир қисми бўлиб турди», деб ёзишган. Кейичалик у Ясрибга кўчиб ўтди.

* * *

Ясриб аҳли Ҳаббоб ибн Аратни (розийаллоҳу анҳу) яхши дўст каби қарши олди. У қалбида биринчи марта узоқ йиллардан бери излаб юргани руҳий хотиржамликни туйди. У Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) билан бево-сита суҳбат қилиш бахтига муяссар бўлганидан жуда мамнун эди.

* * *

Ҳаббоб ибн Арат хулафои рошидин даврларини бошдан кечирди, узоқ яшади. Кўп йиллар оддий ҳаёт кечирган саҳобий умри давомида ҳалол меҳнат билан кўп бойлик топди. Аммо у бойлигини жуда қизиқ сарф қилар эди. Уларни уйининг маълум жойига ташлаб қўяр, буни билган муҳтожлар пулдан эҳтиёжларига яраша олишар эди. Унинг дўстлари бундай ҳикоя қилишади: «Ҳаббоб қаттиқ бетоб бўлиб, тўшакда ётар эди. Олдига кирсак, «Манави ерда саксон минг дирҳам бор, Аллоҳга қасам, ҳеч қачон пул бекитмадим, ҳамиша муҳтожларга бердим», деди-ю, йиғлаб юборди. Биз йиғиси сабабини сўрадик. Шунда у: «Кўп тенгдошларим дунёда оддий, камтарона яшаб ўтиб кетишди. Мен эса мол-мулка эришдим, шу сабаб жазо берилмасмикин деб қўрқаман», деди».



ЧИРОЙЛИ ХУЛҚ ИМОНДАНДИР

“Аллоҳумма инни ас’а-лукас сихҳата вал иффата вал аманата ва ҳуснал хулқи варризо бил қодари”.

Маъноси: “Эй Аллоҳ! Сендан сихҳат, иффат, омонатга риоят, гўзал ахлоқ ва қадарга (тақдирга) розилик истайман”.

Шарҳ: Табароний нақл қилган бу ҳадиси шарифда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) моддий ва маънавий ҳаётнинг тўқислиги омилларидан бўлган беш нарсани Аллоҳ таолодан тилаганлар.

Биринчиси – сихат-саломатлик. Одам ҳар бир муваффақиятга соғлиқ билан эришади.

Иккинчиси – иффат. Иффат инсон шарафини қўриқлайдиган қўрғондир. Энг яхши одам иффатли одамдир.

Учинчи бўлиб, омонатга риоя қилиш ҳам Аллоҳдан сўралмоқда. Комил инсон ўзига омонат қилинган нарсаларга хиёнат қилмайди. Омонатга риоя қилмаган киши энг ёмон кишидир. Фа-

қат ишончли одамларгина омонатга риоя қиладилар.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқа ҳадисларида ҳам Аллоҳ таолодан гўзал ахлоқ тилайдилар. Чунки гўзал ахлоқ диннинг устунларидан саналади. Гўзал хулқ имондандир.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифларида илоҳий қадарга ризо бўлишни тилайдилар. Чунки Ҳақ тақдир қилганига рози бўлиш Ҳақнинг ризосига йўл очиб беради.

Ҳар биримиз Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тилаган ушбу яхшиликларни Ҳақ таолодан сўраб дуо қилсак, дунё ва охира-тимиз обод бўлади.

Абдулазиз МАНСУР,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси ўринбосари



Бугун баркамол авлодни тарбиялаш, комилликка эришиш йўллари ҳақида кўп гапиряпмиз. Фойдали илм-ҳунар, яхши амалларни комиллик белгиси деб атаяпмиз. Шулар баробарида яхши муомалали, ширин сўзли бўлиш, дағал гаплардан сақланиш ҳам инсон камолотини кўрсатади. Халқимиз дидфаросатли, қалби нафосатли

қўллаган сўзларни айтишга тил уялади. Олдинлари ҳатто китобларда, қаҳрамон тилидан айтилган қўпол сўзларни ўқиганимизда ҳам юзларимиз қизариб кетар эди. Энди ўғилларимиз шалоқ сўзларни нуқта-вергул ўрнида ишлатишяпти, десак хато қилмаган бўламиз. Ёшлар бир ёқда қолиб, бозорларда савдо қилаётган катта опа-сингил-

тадбирлар ўтказилади. Шулар қаторида «Қаерда қандай сўзлаш керак?», «Бозор одоби», «Чиройли сўзлашиш — тўкис келинликнинг асосий шarti» каби мавзуларда ҳам давра суҳбатлари ўтказиб турилса, яхши бўларди. Биз кўпроқ кийиниш маданияти, исрофдан сақланиш, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат каби мавзулар

ЯХШИ СЎЗИНГ — ЁРУФ ЮЗИНГ

бўлгани учун сўзга катта эътибор беради. Ҳатто юздаги тошмани ҳам «чечак» (гул) дейди. Ўзаро сўзлашувларда айтилади-ган «ой-куни етибди», кейинроқ «кўзи ёрибди», «енгиллашибди», «кўпайишибди» ёки, «бандаликни бажо келтирибди», «омонатини топширибди» каби иборалар ҳам маданият белгиси ҳисобланади. «Эр-хотинларнинг бир-бирларини: “онаси”, “дадаси” деб чақиришлари, ёш қизларни “яхши қиз”, “ой қиз” дея эъзозлаши ширин сўзли бўлиш билан бирга тарбиянинг чиройли бир кўринишидир.

Лекин сўзлашувда бугун учраб турадиган айрим ҳолатлар одамни ранжитади. Ёш-ёш йигитлар уловларда, бозорларда бемалол ён-атрофини «гуллатаётган»ига гувоҳ бўламиз. Улар

ларимиз ҳам баъзи ҳолларда бўғзига келганини қайтаришмайди. Аёлман демай, чапанича сўкинишади.

Сўзда қувват бор. Агар устоз шогирдига: “Калланг ишламайди, фирт нодонсан!” деса ёки: “Ҳеч қачон одам бўлмайсан” каби сўзларни айтаверса, унинг бу жаҳли боланинг қалбига ўтади. Алам, бора-бора нафратга айланиши мумкин. Одамларни ёмон кўрадиган, яхшиликка ишонмайдиган, ўч, қасос олишга мойил кишилар қалбига нафрат уруғи экилган мана шундайлар орасидан чиқади. Агар муаллим: “Ҳеч кимдан кам эмассан, интилсанг, албатта, яхши ўқийсан”; “Яхши отга бир қамчи, болам” каби йиллар синовидан ўтган сўзларни ишлатса, болада ўзига ишонч ҳисси уйғонади. Баъзан давраларда бу мавзуда гап очилса: “Яхши гапингни тушунмайди” ёки “Битта гапдан кўра икки мушт тезроқ ақлини киритади”, деб кўйишади. Йўқ, яхши гапнинг таъсири доим кучли. Ахир халқимиз: «Яхши гап — жон озиғи», «Яхши гап билан илон инидан чиқади» каби ҳикматларни бекорга кўп ишлатмайди.

Ёшлар ўртасида маънавиятга, маданиятга доир жуда кўп

билан чекланиб қоляпмиз. Ҳолбуки, оғиздан чиққан ҳар бир пардасиз сўз ёшларнинг юзини, кўзини қаттиқ қилади, кўнглини қорайтиради. Бозорда ёки уловда сўкинаётган йигит эртаиндин хотини, болалари олдида ҳам ўшандай сўзларни бемалол айтиши мумкин. Чунки оғзи ўрганди, энди юзи қизармайди.

«Нима деяписиз?!» деган саволни қаттиқ билиб: «А, лаббай?» дея сўрайдиган, бирор гапни бошлашдан олдин: «Ижозатингиз билан...» дея изн сўрайдиган, суҳбатдошининг сўзини узиш зарурати туғилса, «Узр, гапингизни олдим» дея давом этирадиган биздай халқнинг қизлари турмуш ўртоғига: «Ҳой» деб гап қотса, отасини «бобой», онасини «кампиришо», қайнонасини «Нина Захаровна» деса (энг ёмони, бу сўзлар урфга кирмоқда) — биз мағрурланиб, фахрланиб юрадиган маънавий қиёфамизнинг бир чети нурагани эмасми бу? Ҳар миллат ўзига ўхшаб турса, чиройли кўринади. Яхши сўзларимиз бўлатуриб, фикримизни ёмон гаплар билан ифодалашимиз ўзимизни ўзимиздан узоқлаштиради.

Гули АБДУРАҲИМОВА



УЛКАН КОИНОТДАН ЭНГ МАЙДА ЗАРРАГАЧА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Аллоҳ таоло яратган коинот олами У зотнинг қудрати ва яратиш ҳикмати нақадар буюк ва нақадар тенгсиз эканига далилдир. Бу оламлар ҳақида тафаккур қилиш киши маърифатини янада оширади. Бир мисол: олимлар ҳисобича, ер юзида ва сув остида тарқалган махлуқот-мавжудотлар тури 150 миллиондан ошади.

Аллоҳ таоло бундай улкан коинот тизимини, инсон ақли олмайдиган поёнсиз оламларнинггина эмас, энг майда зарраларни ҳам яратган. Масалан, атомни олиб кўрсак, бу ҳақиқатга яна бир бор имон келтирамиз. Атом жуда кичик зарра, уни ҳатто энг кучли заррабин (микроскоп) билан ҳам кўришнинг иложи йўқ. Тасаввур қилиш учун бир тажриба қиламиз: бир сантиметрли ипни минг бўлакка бўлинг, сўнг ана шу бўлақлардан бирини яна мингга тақсимланг. Улардан биттасини олиб, юздан бир қисмини аниқланг. Ана шу топилган “узунлик” атомнинг ярмига тенгдир. Аллоҳ таоло шундай кичик зарра бўлган атомни ҳам иккига: нейтрон ва протонга бўлинадиган қилиб яратганига нима дейсиз?!

Барча мавжудотларнинг ёлғиз Яратувчиси, танҳо бошқарувчиси, бор оламини ягона илоҳий низомга бўйсундириб қўйган Аллоҳ таоло, албатта, мақтов ва саноларимизга лойиқ Зотдир! Шунинг учун ҳар гал Фотиҳа сураси ўқилганида ушбу маълумотларни бир эсга олишимиз, Буюк Яратувчимизнинг тенгсиз қудратига тасанно, берган ҳисобсиз неъматларига шуқр айтишимиз зарур.

Аҳмад МУҲАММАД



БИЛИМЛИЛАР СИНОВИ

14 апрел куни Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли Ислом ўрта-махсус билим юртлари битирувчилари ўртасида “2010 йилги ягона олимпиада” танловининг якуний босқичи бўлди.

Унда йигитлар ўртасида 1-ўрин Ихтиёр Абдурахмоновга (“Саййид Муҳйиддин Маҳдум”), 2-ўрин Усмонхон Муҳаммадиевга (“Хожа Бухорий”) ва 3-ўрин Баҳодир Мавлоновга (“Мулла Қирғиз”) берилди.

Аёл-қизлар орасида 1-ўрин Зебунисо Нажмиддиновага (“Хожа Бухорий”), 2-ўрин Муниса Миржалиловага (“Хадичаи Кубро”), 3-ўрин Муаттар Муҳаммедовага (Жўйбори Калон) насиб қилди.

Биринчи ўрин эгалари Тошкент Ислом институтига имтиёзли қабул қилинади.

Жалолиддин НУРИДДИНОВ,
Таълим ва кадрлар тайёрлаш бўлими мудири

АНДИЖОНДАГИ БЕЛЛАШУВЛАР

27-28 апрел кунлари “Саййид Муҳйиддин Маҳдум” Ислом ўрта-махсус билим юртида 2010 йилги “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда диний идора тизимидаги барча илм

масканларидан вакиллар қатнашишди.

Мусобақа натижаларига кўра, шахмат бўйича 1-ўринни Нуриддин Султонов (“Саййид Муҳйиддин Маҳдум”), 2-ўринни Абдурахмон Отауллаев (“Мир Араб”), 3-ўринни Ҳамид Вафоевлар (“Фахриддин Розий”) эгаллашди.

Тош кўтариш бўйича 1-ўрин Абдурахмон Идрисовга (Тошкент Ислом институти), 2-ўрин Неъматжон Шомансуровга (“Мулла Қирғиз”) ва 3-ўрин Салоҳиддин Азимовга (“Фахриддин Розий”) насиб этди.

Стол теннисидида 1-ўринни Толиб Мамажонов (Тошкент Ислом институти), 2-ўринни Абдурахмон Отабоев (“Хожа Бухорий”), 3-ўринни Фуло



миддин Холбоев (“Саййид Муҳйиддин Маҳдум”) олишди.

Кураш бўйича эса 1-ўринга Рустам Холдорев (Кўкалдош), 2-ўринга Иқбол Султонов (“Саййид Муҳйиддин Маҳдум”), 3-ўринга Исломбек Болтабоев (“Фахриддин Розий”) лойиқ топилди.

Умумий натижаларга кўра, Тошкент Ислом институти биринчи, “Саййид Муҳйиддин Маҳдум” мадрасаси иккинчи, Кўкалдош мадрасаси учинчи ўринни олди.

Умид ХЎЖАЕВ,
Таълим ва кадрлар тайёрлаш бўлими ходими

ТОШКЕНТ ИСЛОМ ИНСТИТУТИ: КЕЧА ВА БУГУН

Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти 1971 йили ташкил этилган.

Собиқ Иттифоқдек улкан мамлакатда ягона Ислом олий маъҳадида Марказий Осиё ва Қозоғистондан ташқари, Шимолий Қофқоз, Россия, Озарбойжон, Афғонистон, Яман, Вэтнам ва Булғористон каби давлатлардан келган талабалар ҳам таълим олишган. Илм масканида Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон, Исмоилхон Махдум Саттиев, Фозилхўжа Эшон, Юсуфхон Шокиров, Абдугани Абдуллаев, Асроркул Мавлонкулов каби таниқли устозлар дарс беришган. Қўшни мамлакатлардан келиб маъҳадда ўқиган талабалар орасидан Аҳмад Қодиров, Талъат Тождин, Равил Файнуддин ва Аллоҳшуккур Пошшоода каби машхур олимлар етишиб чиқди.

Ҳозир институтда динимиз асослари ва тарихи, фикҳ, ақида, тафсир, ҳадис илми чуқур ўргатилади. Шунингдек, Ўзбекистон тарихи, миллий истиқлол ғояси, фалсафа, маънавият асослари, иқтисодиёт назарияси, диншунослик, сиёсатшунослик, хорижий тиллар,



информатика, экология асослари, педагогика, балоғат, хатотлик санъати ва бошқа ижтимоий фанлар ҳам ўтилади. Институмизда “Диний фанлар”, “Ижтимоий фанлар”, “Тиллар” ва “Таҳфизул Куръон” кафедралари бор.

Талабаларга тўрт нафар профессор, саккиз нафар фан номзоди, ўн икки нафар магистр ва олий тоифали мударрислар дарс беришмоқда. Институтни битирган иқтидорли талабаларимиз ҳозир Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти,

Тошкент Ислом университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ва Тошкент Давлат педагогика университетида ўқишни давом эттиришяпти. Айримлари фан номзоди ҳам бўлишди.

Талабаларимиз 2007 йилдан буён замонавий жиҳоз-

ланган янги икки қаватли бинода таълим олишяпти. Дарсхоналар, кутубхона, ахборот-ресурс маркази, компютер хонаси, ётоқхона, ошхона шароитлари бугунги талаблар даражасида.

Талабаларимиз халқаро кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этишяпти. Ўтган йили Нозимжон Иминжонов олтмиш бешта олий ўқув юртининг талабаси қатнашган фан олимпиадасида бешинчи ўринни олди. Қориларимиз Саудия Арабистони, Эрон, Ливия, Сурия, Мисрда ўтган мусобақаларда муносиб ўринларни эгаллашди.

Теннисчимиз Толибжон Мамажонов Тошкент шаҳри терма жамоасига қабул қилинди. Талаба қизларимиз ҳам “Ҳадичаи Кубро” мадрасаси, Тошкент Ислом университети ва Миср маданият ва таълим маркази ўқувчилари билан илм баҳслари ўтказиб туришади.

Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ,

Тошкент Ислом институти ректори



Саиджамол МАСАЙИТОВ,
маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор:

Институтда маънавий-маърифий ишларни пухта режа асосида олиб борамиз. Ёшлар миллий қадриятларимизни яхши билишлари керак. Олдин талабаларнинг фикрларини ўрганиб, шу асосда турли соҳа мутахассислари билан суҳбатлар уюштирамиз. Мударрисларимиз ҳам маҳаллаларда, бошқа таълим муассасаларида, ёшларга

қатнашишди. 2009 йили Носиржон Охунов Саудияда ўтказилган дунё қорилари мусобақасида қатнашиб, яхши натижа билан қайтди.

Махсума МИНОВАРОВА,
муаллима:

Ватан остонадан бошланса, илк тарбиячилар азиз оналаримиздир. Маънавий етук, олима, оқида аёллар комил инсонларни вояга етказишади. Аллоҳ таоло: «...(Аёллар ичида) **солиҳалари** — **бу** (Аллоҳга ва эрига) **итоатли,**

Талабалар дарсликлардан ташқари бошқа китобларни ҳам кўп ўқишади. Йил бошидан ҳозиргача талабалар китоб сўраб 2156 марта мурожаат қилишган. Ахборот-ресурс марказимизга бошқа ташкилот ва институтларнинг ходим ва талабалари ҳам аъзо бўлишган. Айниқса, Тошкент Ислон университети, Шарқшунослик институти, Кўкалдош ва “Хадичаи Кубро” мадрасаларининг талабалари тез-тез келиб туришади. Топиш қулай бўли-

БИР-БИРИМИЗДАН ЎРГАНАМИЗ

чиroyли одоб-ахлоқ фазилатлари ҳақида, миссионерлар, турли адашган оқимларнинг зарарли таъсири мавзуларида маърузалар ўқишади. Тез-тез таниқли олимлар, ижодкорлар билан учрашувлар ўтказамиз. Кафедралараро беллашувлар ташкил этилди. Яқинда “Диний фанлар” ва “Таҳфизул Қуръон” кафедраларининг илм мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақа талабаларнинг ота-оналарида ҳам яхши таассурот қолдирди. Яқинда www.buxofigu.uz интернет саҳифамиз очилди. Унда институт ҳаётидан лавҳалар, хабарлар, устоз ва талабаларнинг мақолалари берилмоқда.

Жалолиддин ҲАМРОҚУЛОВ, “Таҳфизул Қуръон” кафедраси мудири:

Талабаларимиз Қуръони каримни йилига ўн порадан, уч йилда тўла ёд олишади. Тиришқоқ, зеҳни ўткир йигитларни иккинчи курсдан танлаб оламиз. Қуръон ўқишни Осим ибн Абу Нажуд қироатида ўргатамиз. Диёримизда азалдан Қуръон илмига катта эътибор берилган.

Мударрисларимиздан Баҳодир Соипов 2005 йили Қозон шаҳрида ўтказилган қорилар мусобақасида иккинчи ўринни эгаллади. Талабаларимиздан Зокиржон Юнусов, Довудбек Охунжонов 2008 йили Эрон Ислон Республикаси ва Ўрдун давлатларидаги мусобақаларда

гойибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли (яъни, эрларининг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчи)лардир...» (Нисо, 34), деб марҳамат қилган.

Талабаларимиз фойдали илм олишиб, соҳа мутахассислари бўлиб етишишади. Битирувчи қизларимиз Ўзбекистон мусулмонлари идорасида ишлашяпти, Тошкент Ислон институти, “Хадичаи Кубро” Ислон ўртамахсус билим юрғларида дарс беришяпти. Баъзилари бошқа илм масканларида ўқишни давом эттиришмоқда. Иқтидорли қизларимиз «Меҳр нури» жамғарма стипендиясига лойиқ топилишди. Мураттаб қориялар мусобақаси якуний босқичида Гулчеҳра Сиддиқова голиб бўлди, мужаввид қория Азиза Абдураҳимова рағбатлантирувчи мукофот олди.

Фарҳод Жўраев, кутубхона ходими:

Институт ахборот-ресурс марказида дарсликлар ва бошқа зарурий адабиётлар етарли. Кутубхонада жами 8607 та китоб бор. Шулардан 5720 таси ўзбек, 2628 таси араб, 259 таси рус тилидаги китоблар. Қолганлари илмий-оммабоп ва бадий китоблар.

Ҳар ўқув йили бошида китоблар қайта рўйхатга олинади. Ўтган йили кутубхонамиз мутолаа учун қулай жойга кўчирилди.

ши учун китобларнинг электрон рўйхатини туз-япмиз.

Ёқубжон БУРҲОНОВ, талаба:

Бухородаги Мир Араб мадрасаси тўртинчи курсида ўқиётган йилим талабалар ўртасида олимпиада голиби бўлдим. Шу асосда институтга имтиёзли қабул қилиндим. Ҳозир биз талабалар учун ҳамма шароитлар муҳайё. Устозларимиз тажрибали, талабчан, меҳр билан самимий дарс ўтишади. Дарсда мустақил фикр айтишга қизиқтиришади. Кутубхонамиз китобларга бой. Кўп ҳолларда қўланмаларнинг электрон нусхасидан фойдаланамиз, вақтимизни тежаймиз. Бундан ташқари, турли тўғарақларга қатнашамиз, бадий китоблар ўқиймиз, спорт билан шуғулланамиз. Дарсларни такрор қилишда мадрасани битирганимиз кўл келиб, бир-биримиздан ўрганамиз.

Абдувоҳид НУРУЛЛОҲ ўғли
тайёрлади.



Асроркул Мавлонкуловга Аллоҳ таоло нисбатан озроқ, ammo мазмунли, файзли умр ато этди. У ҳаётининг бирор соатини ҳам беҳуда ўтказмасликка, ҳар бир кунини яхши амаллар билан безашга интилди. Унинг ҳаёт саҳифаларига назар ташласак, бу фикрга ишонч ҳосил қиламиз.

Асроркул 1939 йили Хўқанди латифда Мавлонкул эшон ўғли Муҳаммадкул оила-сида туғилди. Бошланғич таъ-

ноқ дарсхоналарни газ билан иситиш чорасини кўра бошлади. Тарихий бинога зарар етиб қолади, деб бу ишга рухсат беришдан чўчишди. Шунда ўзи чизган лойиҳани олиб, Масковга учди, собиқ Иттифоқ Маданият вазириликдан мадрасани газ билан иситишга рухсат олиб келди.

1971 йили диний идора қошида имомлар малакасини ошириш курси ташкил этилиб, кейинчалик унга мадраса мақо-

кийим-кечак, латта-путта эмас, жилд-жилд китоб олиб келардилар. Сафарга чиқиш олди-дан менга сабоқ бериб кетар эдилар, келгунларича тайёрлаб кўярдим. Болаларни сизлаб гапирар, ҳар нарсани мулоимлик билан астойдил тушунтирар эдилар. Оила нафақаси ҳақида жиддий жон куйди-рар, нима керак бўлса, ўзлари топиб келар эдилар. Мен бозор нималигини у кишининг вафотларидан кейин билдим”.

СОЗ КЕЧГАН УМР

лимни отасидан олди. Тошкентдаги Бароқхон, кейин Бухородаги Мир Араб мадрасаларида ўқиди. Учинчи босқичда ўқиётганида диний идора тавсияси билан Марокашнинг Фос шаҳридаги Каровуйун халқаро дорилфунунига ўқишга юборилган ўзбекистонлик уч талабанинг бири бўлди. Юртга қайтиб келгач, Мир Араб мадрасасига мудир бўлди. Ўша йиллари Қўқон педагогика институти тарих факултетига сиртдан ўқиди. Икки йил ўтгач, уни Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идорасига масъул котиб қилиб ўтказишди. Ўттиз уч ёшида ўша пайтда янги ташкил этилган Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти илк ректори бўлди. Араб, рус, инглиз, фаранг тилларини яхши ўрганди.

Табиатан ғайратли Асроркул ака динимизга улкан хизматлар қилиб кетди. Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари эди. Совет раҳбарлари кўрсатмаси билан Рамазон ойида Қуръон хатм қилиш, марҳумларнинг жанозасини ўқиш тақиқланди. Кўп ўтмай, тақиқлар бекор бўлди.

Мир Араб мадрасасига мудир этиб тайинланиши била-



ми берилган эди. Икки йилдан сўнг Тошкентда халқаро анжуман бўлиб, кўпгина мусулмон мамлакатларидан мўътабар меҳмонлар келишди. Шунда Асроркул ака мадраса пештоқига «Имом Бухорий номидаги Ислом маъҳади» деб араб тилида лавҳ ёздириб қўйди. Орадан кўп ўтмай собиқ Иттифоқда ягона Ислом олий ўқув юрти иш бошлади. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин.

У кишининг инсоний фазилатларини яқинлари ва ҳамкасблари бундай эслашади:

Асроркул аканинг умр йўлдошлари Рисолатхон ая: “У киши илмнинг чин мухлиси эдилар. Ҳар гал чет элга борганларида баъзиларга ўхшаб

Диний идора собиқ ходими Абдуллоҳ Исмоил Махдум ўғли: “Асроркул акадай хушмуомала, самимий одамни учратиш қийин. Баъзан идорага бирор киши хафа бўлиб келса, у киши дарвор ҳалиги одамнинг ҳурматини жойига қўйиб, юқорига ўтқазар, кўлига бир пиёла чой тутқазар, кейин масаласини аста ажрим қилишга киришар эдилар. Бундай яхши муомала боис меҳмон ҳовридан тушар, муаммоси ҳал бўлса-бўлмаса, мамнун ҳолда кетарди».

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «**Сабрли бўлган ва эзгу ишларни қилганларга, айнан ўшаларга мағфират ва катта мукофот бордир**» (Худ, 11). “Ўлим билан юзлашмасдан олдин бериладиган ҳар бир нарсангни бериб қолишнинг лозим”, дейдилар мавлоно Жалолидин Румий. Абу Абдуллоҳ Мағрибий эса: “Энг фазилатли иш вақтларни мақсадга мувофиқ сарфлашдир”, дейди. Устоз Асроркул Мавлонкулов муносиб ҳаёт кечирди.

Абдуллоҳ НОДИРОВ





ЭЗГУ ИШЛАРГА ҒАЙРАТЛИ ЭДИ

Кимдир узоқ, кимдир қисқа умр кўради. Аммо гап инсоннинг қанча эмас, қандай яшашида. Аслида банданинг ҳаёти қилган яхши ишлари билан қадр топади.

Тақдир экан, Абдувоҳид Мухторов айни қирчиллама йигит пайти, 33 ёшда оламдан ўтди. У тиришқоқлиги, тўғрисиқлиги, яхши муомаласи билан тенгқурлари орасида ҳурмат қозонган эди.

Абдувоҳид Мухторов 1976 йили Сирдарё вилоятида туғилган. 2005–2009 йиллари Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида ўқиди. Ҳадисда: “Инсонларнинг яхшиси бошқаларга кўпроқ фойдаси тегадиганидир” дейилган. Абдувоҳидни “ҳар доим бирор фойдали иш учун шошиб юрарди” деб хотирлашади. У яхши ишларга ғайратли, курсдошларидан, қуйи босқич талабаларидан ёрдамани аямас, кўпчиликнинг кўнглини кўтариб яшарди. Устозлари, ота-онасининг дуосини олган қобил фарзанд эди.

Яқинда Абдувоҳид Мухторовнинг битирув малакавий иши асосида “Марказий Осиёда Ислом илми ривожидан Тошкент Ислом институтининг ўрни” номли рисола чоп этилди. Талабаларга яхшигина қўлланма бўлган ушбу китоби билан Абдувоҳид Мухторов институт тарихида ўчмас из қолдирди. Аллоҳ уни раҳматига олсин.

Давронбек АБДУРАҲИМОВ,
Тошкент Ислом
институти ходими

Аллоҳ таоло инсонларни шукр қилишга буюриб, бундай марҳамат қилади: **«Яна Раббингиз эълон қилган (бу сўзлар)ни эслангиз: «Қасамки, агар (берилган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Бордию, ношукрчилик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир» (Иброҳим, 7).**

Банда қилган яхши амаллари билан ҳам шукр келтириши мумкин. Аллоҳ таоло амр этган ибодатларни чиройли тарзда бажариш, гуноҳларнинг катта-кичигидан ҳам тийилиш билан инсон ҳақиқий шукр қилувчилардан бўлади. *Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуо, тоат-ибодат ва эзгу ишларда кўп давом этардилар. Саҳо-*

АМАЛЛАРИМИЗДАГИ ШУКР

Одатда, бизга бирор яхшилик етса, «Аллоҳга шукр», деб қўямиз. Неъматларга шукр қилиш учун кўп ҳолларда, тилимиздагина шукрона айтиш билан кифояланамиз. Аслида «шукр» сўзи миннатдор бўлиш, раҳмат айтиш маъноларида бўлиб, неъматларни Аллоҳ таолодан деб билиш ва У рози бўладиган тарзда сарфлашни англатади.

Неъматларнинг баъзилари инсонга ёмонликдай туюлиши мумкин. Лекин Аллоҳ таоло бандда ёқтирмаган нарсаларда ҳам яхшиликлар ато этиши, неъматларини маълум сабаблар ва сабабларсиз ҳам бериши мумкин. Киши воситалар ортида ҳақиқий неъмат берувчи Зотнинг марҳамати борлигини идрок этса, қалб шукрона айтган бўлади. Шукр сўнгра тилга кўчади, яъни «Аллоҳга шукр» ёки «Алҳамдулиллоҳ» дейилади. Шунингдек, олимлар Аллоҳ таолонинг **«Раббингизнинг (сизга ато этган барча) неъматлари ҳақида эса (одамларга) сўзланг»**, ояти хусусида фикр юртиш, ўқиш ҳам шукрга далолат қилади, дейишган.

балар: «Эй Расулulloҳ, сиз барча гуноҳлардан покланган зотсизку?» деб сўрашса: «Аллоҳга шукр қилмайинми?» деб жавоб берар эканлар.

Аллоҳ таоло: **«Сўнгра, ўша кунда (қиёматда), албатта, (сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида сўроқ қилинурсиз» (Тақосур, 8)**, деб марҳамат қилади. Демак, неъматларнинг шукрини қилдикми-йўқми, бу ҳақда, албатта сўраламиз. Муҳими умримизни, куч-қувватимизни гуноҳга ва фойдасиз нарсаларга сарфламлигимиз керак. Аллоҳ рози бўладиган ва бошқаларга ҳам фойдаси тегадиган ишларни мунтазам бажариш неъматларнинг кўпайишига, узилиб қолмаслигига сабабчидир.

Фуломжон БОБОЖОНОВ



Имом Бухорий халқаро марказида вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси масжидлари имом-хатибларининг малака ошириши йўлга қўйилганига бир ярим йилдан ошди. Тўққиз ҳафталик ушбу курсга ҳар гал олтмиш нафар имом-хатиб тақлиф этилади. Машғулотлар Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Дин ишлари бўйича қўмита тавсия этган ўқув режаси асосида олиб борилади.

МИННАТДОРЛИК БИЛДИРИШЯПТИ

Тингловчиларга Ўзбекистон мусулмонлари идораси масъул ходимлари, Тошкент Ислон университети, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд Давлат университети ва бошқа илм масканларининг олимлари, профессор ва ўқитувчилари дарс беришади, маърузалар ўқишади. Устоз Убайдулла Уватов раҳбарлигида малака ошириш жараёни янада самарали бўлиши учун саъй-ҳаракат қиляпмиз. Марказда таълим олиш учун ҳамма шaroитлар етарли.

Имомлар оралиқ назорат синовларидан ўтишади ва битирув малакавий ишини ёзишади. Ушбу босқичлар натижалар асосида тингловчиларга якуний баҳо қўйилади. Малака оширувчиларга асо-



рида ҳам маърузалар тинглашади. Шу пайтгача малака ошириш курсимизни битирган имом-хатиблар фақат миннатдорлик билдиришяпти.

Тоҳиржон ИБОДУЛЛАЕВ,
Малака ошириш ўқувлари бўлими бошлиғи

КАТТА ИМКОНИЯТ

Обиджон МАМАЖОНОВ, *Паркент тумани бош имом-хатиби:*

– Марказ раҳбарияти бизни яхши кутиб олди. Шу соҳада йигирма етти йил ишлаганим боис, малака оширишга тавсия қилишганида, тўғриси, унчалик хоҳламадим. Машғулотларга қатнашиб, маърузаларни тинглаб, фикрим ўзгарди. Ҳали кўп нарсани билмаслигим ойдинлашди. Малакам ошаётгани, илмим ортаётганидан мамнунман.

Абдурахмон ҚАНОАТОВ, *Зангиота туманидаги “Салмон Форсий” жомеи имом-хатиби:*

– Марказ мутахассислари дунёда кечаётган мураккаб жараёнларни ва давлатимизнинг узоқ-яқиндаги воқеаларга муносабатини илмий

сан “Имом Бухорий меросини ўрганиш”, “Имом Бухорий ва ҳозирги замон”, “Маънавият асослари”, “Давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати”, “Юртимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни”, “Нотиқлик санъати ва муомала маданияти”, “Идораларда, масжидларда иш юритиш” каби мавзуларда дарслар ўтилади. Шунингдек, улар фалсафа, мавъизалар таъсирчанлигини ошириш, жаҳон молиявий инқирози ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари, соғлиқни сақлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, урф-одатлар, маросимлар ва уларни замон талабига мослаштириш мавзула-



тарзда ётиғи билан тушунтиришяпти. Ўрганаётган илмларимизни масжидимиз қавмига ҳам содда тилда, тушунарли тарзда етказишга ҳаракат қиламиз.

Фазлиддин ОЛЛОЁРОВ,
Тошкент шаҳри “Али ибн Абу Талиб” жомеи имом-хатиби:

— Турли туманлардан келишган домлалар билан ўзаро фикр алмашамиз. Соҳамизнинг етук ходимлари билан ёнма-ён ўтириб дарс тинглаймиз. Устозлар айниқса, гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш йўлларини бизга синчиклаб ўргатишяпти.

Абдужалил ОТАМУРДОВ,
Тошкент шаҳри “Мир боб ота” жомеи имом-хатиби:



— Ҳадисда: “Кучли мўмин кучсиз мўминдан яхши ва Аллоҳ таолога суюқлироқдир” (*Имом Муслим*), дейилган. Кўпмиллатли юртимизда мўмин-мусулмонлар билим-фаросатли, фикри тоза ва бағрикенг бўлишлари лозим. Бу фазилатлар туфайли халқимиз тинч-тотув бир оиладек яшайди. Имомларнинг илми кўпайса, масжидлар обод, жамоатнинг маънавий савияси юксалади. Хуллас, бу ердаги малака ошириш дарслари биз имомхатиблар учун катта имкониятдир.

Абдувоҳид ЎРОЗОВ
ёзиб олди.

НИКОҲ НИМА БИЛАН МУСТАҲКАМ?

Аллоҳ таоло бандаларини яхши ишларга буюради ва ёмон ишлардан қайтаради. Бизга буюрилган яхши амаллардан бири никоҳдир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) никоҳни суннатим деб таъкидлаганлар.

Никоҳ эр-хотинлик асоси бўлибгина қолмай, насларни, эл-элатларни бир-бири билан боғловчи восита ҳамдир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ойша онамизга уйлانганларидан сўнг, муборак кўнгилларида Абу Бакр Сиддиққа муҳаббатлари янада ортган. Амр ибн Ос (Аллоҳ рози бўлсин) ривоят қилади: «Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом): “Сизга энг суюкли одам ким?” деб сўраганимда, у зот: “Ойша”, дедилар. Шунда: “Эркакларданчи?” дедим. “Унинг отаси”, деб жавоб бердилар». Бошқа бир ривоятда Расулulloҳ (алайҳиссалом): “Абу Бакрнинг яхшиликлари эвазини Аллоҳ тўлдирсин”, деганлари келтирилади. Никоҳ туфайли кишилар ёмонликлардан сақланишади, Аллоҳнинг фазли билан уларнинг топартутарига барака киради. Ҳатто баъзи шўх, босар-тусарини билмай юрган ёшлар ҳам уйланишгач, оғир-босиқ, тадбирли бўлиб қолишади.

Сал узоқлашиб қолган дўст-қадрдонлар, ҳамшаҳарлар қуанда бўлишса, ораларида меҳрли алоқалар, борди-келдилар яна тикланади. Афсус, баъзилар келин тушган уйга бирор мусибат етса, “шумқадам келин экан” ёки “хосиятсиз жойга келин бўлди”, деган ёмон ўй-хаёлларга боришади. Ҳолбуки, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳ таолонинг изни, хоҳиши билан бўлади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) суюкли бир қизлари вафот этганида Ҳазрати Усмонга бошқа қизларини турмушга бер-

ганлар. Демак, бундай хато гап-сўзлардан кўра ёшларга: “Жуфти ҳалолнингни қадрла, унинг яқинларини ҳурмат қил, муҳаббатини қозон. Шундай қилсанг, мазмунли ҳаёт кечирасан”, деб панд-насиҳат қилсак яхши эмасми?

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Амаллар ниятга боғлиқ”, деганлар. Ўғил-қизларни болаликдан китоблар ўқишга қизиқтириб, маънавийтини бойитиб, оила ҳаётига тайёрлаб бориш ҳам ота-оналар зиммасидаги бурчдир. Баъзилар “келиннинг сепи, куёвнинг сарпоси” ёки “чарлари”ни деб ташвишга тушиб, ҳовлиқиб юришади. Баъзан шундай ҳой-ҳавасларни деб қуда-андалар ораси бузилганини эшитамиз. Динимизда буюрилмаган ишларни никоҳ тўйига аралаштириб, кўнгилхираликларга йўл қўйишимиз ярашмайди. Уй оддийгина безалса ҳам ёки жиҳозлар чет элники бўлмаса ҳам, ўртада меҳр-муҳаббат, бир-бирини тушуниш, эъзозлаш бор экан, Аллоҳ хоҳласа, оилаларимиз тинч, турмушимиз фаровон бўлади, ўғил-қизларимиз бахтли ҳаёт кечиради.

**Муҳаммадзафар
МУҲАММАДУМАР ўғли,**

*Тошкент Ислам институти
мударриси, “Юнусобод-оқтепа”
жомеъ масжиди имом-хатиби*



СЕНЕГАЛ РЕСПУБЛИКАСИ



Жуғрофий ўрни. Сенегал Африқо қитъасининг ғарбида жойлашган. Шимолда Мавритания, шарқда Мали, жанубда иккала Гвинея билан чегарадош. Ҳудуди асосан паст-текисликлардан иборат.


Тарихи. Милонинг тўққизинчи асрида тукулер қабилалари Сенегал дарёси водийига келишди ва Текрур давлатини тузишди. У кейинги беш аср мобайнида Сенегал ва Малини бирлаштирган йирик давлат бўлиб турди. Ўнинчи асрда барбар қабилалари Сенегал дарёси этагидаги оролда ўрнашиб, тукулерларни Ислонга чақиритди. Ўн биринчи асрда мусулмон тукулерлар барбарларнинг Алморавий сулоласи бошқараётган Гана давлатини тор-мор қилишди. Орадан уч юз йил ўтгач, тукулерлар мусулмон Кайт сулоласи ҳукмронлик қилаётган



Майдони: 196200 кв. км.
Аҳолиси: 9,7 миллион киши.
Пойтахти: Дакар шаҳри.
Тузуми: республика.
Давлат бошлиғи: президент.
Маҳмурий тузилиши: 10 та вилоятдан иборат.
Йирик шаҳарлари: Тиес, Каолак, Сенлуи.
Пул бирлиги: африқо франки.

Малига юриш қилишди. Аммо малиликлар Текрурни босиб олишди. Кейинчалик Сенегал шимолидан жангари марв амирлари ҳужум қилишди. Жангу жадаллар туфайли давлат парчаланиб, кучини йўқотди. Бу эса уни оврупалик мустамлакачилар босиб олишларига йўл очди. Ўн бешинчи асрдан бошлаб мамлакатга олдин португаллар, кейин ҳолландлар, инглизлар ва франсузлар суқулиб кира бошлашди. 1959 йил бошида Сенегал собиқ франсуз Судани билан Мали федератсиясини тузди. Бу федератсия 1960 йил июнида Франсуз Ҳамжамияти доирасида мустақил бўлди. Ўша йилнинг августида Сенегал федератсия таркибидан чиқиб, мустақил давлатга айланди. 1982 йили у Гамбия билан қўшилиб, Сенегамбия федератсиясига асос солинди, аммо бу тузилма етти йилгина яшади. Шундан кейин Сенегал Асосий қонунига ўзгартиришлар киритилиб, 1993 йил мустақил давлатда илк бор президентлик сайловлари бўлиб ўтди.

Иқтисоди. Сенегал қишлоқ хўжалигига ихтисослашган, саноати унча тараққий этмаган ўлкалардан. Мамлакат



ерларидан фосфор, мармар, ош тузи қазиб олинади. Нефтни қайта ишлаш, металга ишлов бериш, тўқимачилик, тери-пойабзал, тахта тилиш, семун чиқариш корхоналари бор. Чорвачилик, балиқчилик, мева етиштириш йўлга қўйилган. Далаларида маккажўхори, мойли палма, пахта, шоли, арпа, батат (ширин картошка) ўстирилади. Чет мамлакатларга балиқ ва денгиз маҳсулотлари, тозаланган нефт, кимё саноати маҳсулотлари, ерёнғоқ, пахта, газлама ва фосфор ўғитлари сотади. Бошқа юртлардан эса озиқ-



овқат, транспорт ускуналари, оғир машинасозлик, саноат моллари, мойлаш ашёлари, кимёвий моддалар сотиб олади. Ҳиндистон, Франция, АҚШ, Италия, Тайланд, Нигерия каби мамлакатлар билан яхши савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатган.

Аҳолиси. Сенегал аҳолисининг этник таркиби хилма-



сунний мусулмонлар ташкил этишади, улар асосан Аҳли суннат вал жамоанинг моликция мазҳабига мансуб. Аҳолининг олти фоизи мажусий, икки фоизи насронийдир. Исломи дини мамлакат ҳаётида катта мавқега эга. Мамлакатда икки мингдан ортиқ масжид ишлаб турибди.

Исломи таълим ҳам яхши йўлга қўйилган. Сўнгги пайтлар эскидан мажусий бўлган қабилалар вакиллари ҳам мусулмон бўлишяпти.

Аҳмад ТУРСУН

Манбалар:

1. «Страны мира», справочник. Москва, 2003 г. стр. 395-397.
2. «Атлас мира», справочник. Москва, 2003 г. стр. 62-63.
3. Интернет сайтлари.

хил: ўттиз олти фоизи фолофлар, йигирма бир фоизи фулбелар, ўн тўққиз фоизи серерлар, етти фоизи диолалар, олти фоизи миндингелардир. Кўп лаҳжаларда сўзлашилгани учун фаранг тили давлат тили саналади.

Дини. Мамлакат аҳолисининг тўқсон икки фоизини



АҲИЛЛИК ВА БАРАКА БОИСИ

Ўзаро муомалаларимизда “рози бўлинг”, “норозимасмисиз” каби сўзларни кўп айтаемиз. Бундай дейиш билан ўзимизнинг хотиржамлигимизни, бошқаларнинг ҳам кўнгли оғринишига йўл қўймасликни ўйлаймиз.

Бозор оралаб кўринг – сотувчи ёки харидор: “Рози бўлинг” дейди. Бу гап эътиборимизни тортади.

Келин бўлаётган қиз тўй куни отасидан розилик сўрайди.

Оғир касал ётган одам ҳам яқинларидан, йўқлаб келганлардан розилик сўрашни кўнглига тугади.

Яратган Зот ҳукмларига рози бўлиш инсонга умид ва хотиржамлик беради. Бу туйғу боис кўнгилларда меҳр-муҳаббат, садоқат, қаноат каби гўзал фазилатлар қувватланади.

Норозилик-чи?..

Янги қурилган уйга кўчиб ўтган одам ярим йил ўтар-ўтмас, девори дарз кетганига кўзи тушади. Туйқус хаёлига келган фикрдан сергак тортади. Устани норози қилдиммикан, деган фикр хаёлидан ўтади...

Хунар эгаллаган шогирднинг иши юришмаяпти. Гап нимада? Бир ўйласин, устозини хафа қилмаганмикан?

Кўпинча норозилик тилга чиқмайди, балки дилда бир тугундай қолади.

Одамларни норози қилишнинг оқибати ёмон. Рози-розолик бор жойда эса аҳиллик ва барака бўлади.

Лола ЧОРИ қизи,

Жондор тумани



Милодий тўққизинчи аср бошларида Ислом оламида ҳадисларни тўплаб, китоб қилиш кенг ривож топди. Бу ишда олти буюк муҳаддис етакчи бўлди. Улар орасида Имом Доримийнинг алоҳида ўрни бор.

Алломанинг тўлиқ исми Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Фазл ибн Баҳром ибн Абдусамад Тамимий Самарқандий Доримийдир, 798 (ҳижрий 181) йили туғилган. Имом Доримий ёшлиқдан ақл-заковати, ўткир зеҳни, айниқса, эслаб қолиш қобилияти кучлилиги билан ажралиб туради.



қанд вилояти Тайлоқ туманидаги Испандий қишлоғига қўйилган.

Манбаларда олимнинг “Китобут тафсир”, “ал-Жомеъ”, “ас-Сулосий-йот фил ҳадис”, “Китобус сунна фил ҳадис”, “Китоб савм ал-мустаҳозот вал мутаҳаййирот” каби асарлари борлиги қайд этилади. “Сунан” номи билан танилган “Муснад”и (луғавий маъноси “Таянч” ёки “Иснодли ҳадислар тўплами”) олимнинг шоҳ асари ҳисобланади. Китобнинг “Сунан” деб номланишига олимлар турлича фикр билдиришган.

ИМОМ ДОРИМИЙ

Бу ҳақда Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Мансур Шерозий: “Имом Доримий комил муфассир эди. У ақлда, фаҳмда, фазлда, динда етук эди. У зотнинг ёд олиш зеҳни, ҳалимлиги, босиқлиги, тиришқоқлиги... зарбулмасалдир”, деб таъриф беради.

Имом Доримий дастлаб ўз юрти Самарқандда таълим олди. Сўнгра ўша даврда илм-фан ва маданият тараққий қилган марказлардан Фустот (Қоҳира), Дамашқ, Бағдод, Макка, Мадина шаҳарларида сабоқ олиб, билимларини оширди.

Имом Доримий ҳаётининг асосий қисмини илм талабида сафар қилиш билан ўтказди. У ҳадисларни тўплаш билан чекланмай, иснодларининг ишончлилигига, узлуксизлилигига ва ровийлар сонига ҳам катта эътибор берди. Олим илмий сафарларини Хуросон шаҳарларидан бошлайди. Жумладан, машҳур ҳофиз Назр ибн Шумайлдан (ваф. 203/818 й.) Марв шаҳрида кўп ҳадис тинглайди. Сўнгра Ироққа бориб, Бағдод, Восит, Куфа, Ҳийт каби шаҳарларида етук олимлардан ҳадис ўрганади. Имом Доримий “Сунан” асарида икки юз элликдан ортиқ устоздан ҳадис ривоят қилган.

Имом Доримий тахминан қирқ ёшида ҳаж ибодатини адо этиб, Самарқандга қайтиб келиб, бир мунча вақт шайхулислом лавозимида ишлайди.

Имом Доримий 869 (ҳижрий 255) йили 75 ёшида арафа куни вафот этади. Ҳозирги Самар-

Ҳофиз Ироқий, Имом Заҳабий асардаги барча ҳадислар тўлиқ иснод билан берилгани учун уни “Муснад”, Алоуддин Муғултоий ҳадисларининг ишончлилиги даражасидан келиб чиққан ҳолда “Саҳиҳ”, Ибн Ҳажар ва Суютий каби бошқалар фикрчи ҳадислар тўплами бўлгани боис “Сунан” деб аташади.

Ибн Ҳажар Асқалоний каби баъзи олимлар Имом Доримийнинг “Сунан”ини “*Сихоҳи сунта*”нинг олтинчи китоби сифатида қабул қилишса, бошқа бирлари уни энг ишончли деб топилган тўққиз ҳадис тўплами (“*Кутубут тисъа*”) сирасига киритишади. Уч ярим мингдан кўп ҳадис тўпланган бу “Сунан” муқаддима ва йигирма уч китоб, 1403 бобдан иборат. Асарда бўлим ва бобларнинг фикрчи тартибда берилиши муаллифнинг фикрчи салоҳияти юксак даражада эканини исботлайди.

Бугунги кунда Имом Доримий ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш бўйича ибратли ишлар қилишяпти. 2009 йили “Имом Доримий” рисола-си чоп этилди. Шунингдек, Тошкент Ислом университети илмий тадқиқот маркази ходимлари 1996 йили шайх Муҳаммад Абдулазиз Холидий Байрутда чоп эттирган нусха асосида “Сунан”нинг ўзбекча илк таржимасини тайёрлашди.

Маҳфуза АЛИМОВА,

Тошкент Ислом университети ўқитувчиси,
тарих фанлари номзоди



ИМОМ ДОРИМИЙ РИВОЯТЛАРИ

Тобеинлардан Зайд ибн Аслам (раҳимахуллох) ривоят қилади: «Ато (розийаллоху анху) “Ҳалимлик ва илм бир-бирини тўлдиргани каби дунёда ҳеч нарса бир-бирини бунчалик безамайди”, деди».

* * *

Омир аш-Шаъбийдан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: “Илм аҳлларининг ақл-фаросати илмни зийнатлайди”.

* * *

Абу Хурайрадан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: «Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Ким тўғри йўлга чақирса, унга эргашганларга бериладиган савоб миқдори ча унга савоб берилади. Бу билан уларнинг савоблари камайтирилмайди. Ким залолатга чақирса, унга эргашган кимсаларга бериладиган гуноҳ миқдори ча унга гуноҳ ёзилади. Бунда уларнинг гуноҳларидан ҳеч нарса камайтирилмайди”, дедилар».

* * *

Тобеинлардан Ваҳб ибн Мунабихдан (раҳимахуллох) ривоят қилинади: “Шубҳасиз, донишмандлик камтар, хотиржам қалбга ўрнашади”.

* * *

Собит ибн Заҳҳок (розийаллоху анху) ривоят қилади:

«Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Мўминни лаънатлаш уни ўлдириш билан баробар! Ким бирон нарса билан дунёда ўз жонига қасд қилса, ўша нарса билан қиёмат кунида азобланади”, дедилар».

* * *

Абдурахмон ибн Абу Бакр (розийаллоху анху) ривоят қилади: «Бир киши Расулulloхдан (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Инсонларнинг қай бири яхшироқ?” деб сўради. Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Ким узоқ умр кўриб, яхши амаллар қилган бўлса”, деб жавоб бердилар. У сўради: “Инсонларнинг энг ёмони ким?” Шунда Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Ким кўп умр кўриб, ёмон амаллар қилган бўлса”, деб жавоб бердилар».

* * *

Абдуллох ибн Муғфалдан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: «Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Аллох таоло меҳрибон ва У ҳар ишда юмшоқликни севади ҳамда зўравонликка берилмайдиган нарсани юмшоқлик учун беради”, дедилар».

Маҳфуза АЛИМОВА
нашрга тайёрлади.

Аллох таоло марҳамат қилади: **“Солих ота-она солих фарзандлар туғилишига сабаб бўлади”.** (Маярам, 28)

Расули акрам (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Қачон эр хотинига ва хотин эрига қараса, Аллох таоло ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди. Кафтларини бир-бириникига қўйишса, бармоқлари орасидан гуноҳлари дув-дув тўкилади”.

(Майсара ривояти)

ОНА ҲАҚИГА ДИҚҚАТЛИ БЎЛ

“Она ҳақиқа дикқатли бўл, уни бошингга кўтар. Зеро, оналар тўлғоқ машаққатини бўйинларига олмаганларида чақалоқлар дунёга келиш учун йўл тополмас эдилар”.

Жалолиддин Румий

“Онангдан бош товлама,
ошмасин дарди,
Шараф тожи эрур
оёгин гарди”.

Абдурахмон Жомий

“Ўз аҳлингизни қадрланг.
Зеро, улар учар қанотингиз,
ўрнашган пойдеворингиз ва
тутар қўлингиздир”.

Али ибн Абу Толиб

“Оилавий масалаларда эр билан хотин тотувлик ва маслаҳат билан иш тутишмаса, бундай оила азоб ва машаққат масканига айланади”.

Олима Банот

Яхши хотин ҳаёли ва ориятли бўлади, ақл-фаросати билан оилада тўкин-сочинлик ва барака сабабчиси бўлади.

Муъиниддин Жувайний

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Биринчи рус-араб анжумани



Араб давлатлари лигаси билан Россия ташқи ишлар вазирлиги 2010 йил охирига бориб, биринчи рус-араб анжуманини ўтказишни режалашди. Россия ташқи ишлар вазирлиги Яқин Шарқ ва Шимолий Африқа депортаменти директори Сергей Вершинин ва Россиянинг Мисрдаги элчиси Михаил Богданов Қоҳирада Араб давлатлари лигаси бош котиби Амр Мусо билан учрашишди. Россия дипломатлари айтишича, ўтказилажак анжуман мамлакатлар ўртасидаги молия-иқтисодий, маданий алоқалар янада ривожланишига, баъзи минтақавий муаммолар ечилишига сабаб бўлиши кутилмоқда.

Малайзия — ишончли ҳамкор

Буюк Британиянинг Оксфорд университети ўқитувчиси профессор Пеграм Харрисон: “Ғарбда тадбиркорлик қилишда Малайзия ишончли ҳамкор бўлади”, дея таъкидлади. Унинг айтишича, Малайзия замонавий мусулмон мамлакати сифатида ғарб тадбиркорлари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиши мумкин.



Пеграм Харрисон жаҳон молиявий инқирози шароитида ғарбнинг Ислом оламидан ўрганиш зарур бўлган муҳим томонлари борлиги ойдинлашганини таъкидлайди.

Эслатиб ўтамиз, бу олим ўн йилдан бери Буюк Британия ва АҚШнинг етакчи олий ўқув юртлирида дарс

беради, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик қилади, илмий унвонларини Йел ва Кембриж университетларида олган.

Стокгоlm анжумани

Швеция пойтахти Стокгоlm шаҳрида Оврупа мусулмонлар жамоасининг долзарб масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.



Анжуманга тўпланган бир ярим мингдан ортиқ тингловчиларга Америка, Буюк Британия, қўшни Скандинавия мамлакатлари олимлари маърузалар ўқишди, улар билан суҳбатлар ва амалий машғулотлар ўтказишди. Мусулмонларнинг Оврупа жамияти билан тинч-тотув яшаши масаласи тадбир иштирокчиларининг диққат марказида турди.

Қозонда анжуман

Шу йилнинг 28 – 29 июн кунлари Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида халқаро анжуман ўтказилади. Татаристон Республикаси президенти Рустам



Миннихонов билан Малайзиянинг собиқ бош вазири Махатхир Муҳаммад ушбу анжуманнинг асосий бошловчилари бўлишади. Тадбир расмий сайти хабарига кўра, анжуманда Буюк Британия лордлар палатаси аъзоси Назир Аҳмад, Россия Федерациясининг Ислом Конференцияси Ташкилотисидаги доимий вакили Комил Исҳоқов, хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом корпора-



цияси бош директори ва бошқарувчиси Холид Абудий ва бошқа таниқли мутухассислар ҳам иштирок этишади.

Анжуман қатнашчилари тараққиёт истиқболлари, сармоя ётқизиш, иқтисодиёт ва молия муаммоларини кенг муҳокама қилишади. Шунингдек, ўша кунлари Қозонда халқаро ёйма савдо, тадбиркорларнинг ҳуқуқшунослар билан учрашувлари ўтказилади.

Муҳаммад Иқболга бағишланди



Покистоннинг турли шаҳарларида жаҳонга таниқли аллома ва шоир, Покистон миллий озодлик ҳаракатининг етакчиларидан бири Муҳаммад Иқбол вафотининг 72 йиллигига бағишланган хайрия тадбирлари ўтказилди. Муҳаммад Иқбол Англия ва Олмонияда таълим олган. Шундан сўнг ҳуқуқшунос бўлиб иш бошлади ва иқтисодиёт, тарих, диншуносликнинг турли мавзуларида илмий-тадқиқотлар олиб боради.

Покистоннинг турли шаҳарларида жаҳонга таниқли аллома ва шоир, Покистон миллий озодлик ҳаракатининг етакчиларидан бири Муҳаммад Иқбол вафотининг 72 йиллигига бағишланган хайрия тадбирлари ўтказилди. Муҳаммад Иқбол Англия ва Олмонияда таълим олган. Шундан сўнг ҳуқуқшунос бўлиб иш бошлади ва иқтисодиёт, тарих, диншуносликнинг турли мавзуларида илмий-тадқиқотлар олиб боради.

БМТ вакили қоралади



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг босиб олинган Фаластин ҳудудларида инсон ҳуқуқлари бўйича мувофиқлаштирувчи вакили Ричард Фалк Исроил ҳукуматининг Ўрдун дарёси ғарбий соҳилларидан фаластин фуқароларини кўчириш

тўғрисидаги қарорини қаттиқ қоралади. У радио орқали чиқишида ушбу қарорнинг халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари тамойилларига мутлақо зид эканини таъкидлади. Шу муносабат билан у IV Женева конвенциясининг босиб олинган ҳудудлардан туб аҳолини кўчиришни тақиқловчи 49-моддасини эслатиб ўтди.

Хитой ва Россия ҳамкорлиги

Шу йил 9 апрел куни Москва шаҳридаги Тадбиркорлар марказий уйида “Хитой ва Россиядаги ўзгаришлар” мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманнинг мақсади жаҳон молиявий инқирози шароитида



Россия ва Хитой банклари, тадбиркорлари ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлларини белгилаб олиш эди. Тадбир ташкилотчилари айтишича, анжуманда сўз олганлар “Россия – Хитой ҳамкорлиги: иттифоқчиларимиз ким, кимлар бизга қарши, умумий ютуққа қандай эришамиз?” каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза алмашишди.

Россия ва Хитой банклари, тадбиркорлари ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлларини белгилаб олиш эди. Тадбир ташкилотчилари айтишича, анжуманда сўз олганлар “Россия – Хитой ҳамкорлиги: иттифоқчиларимиз ким, кимлар бизга қарши, умумий ютуққа қандай эришамиз?” каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза алмашишди.

Ислом олами билан АҚШ муносабатлари

28 апрел куни АҚШ пойтахти Вашингтон шаҳрида “Американинг Ислом олами билан муносабатлари: Қоҳира учрашувидан бир йил ўтгач” мавзуида аънавий XI халқаро анжуман ўтказилди. Исломни ўрганиш бўйича марказ ушбу тадбир ташкилотчиси бўлди. Анжуманда марказ президенти Ризвон Масмудий, Мароқаш адолат ва тараққиёт партияси етакчиларидан Мустафо Ҳалфий, Жазоир “Жамиятда тинчлик учун” ҳаракати вакили Абдул Розик Макрий, шунингдек, Малайзия, Баҳрайн, Ўрдун каби мамлакатлардан ҳам мутахассислар иштирок этишди. Таниқли мусулмон олими Торик Рамазон анжуманда Ислом олами билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш йўллари ҳақида маъруза қилди. Сенатор Жон Керри анжуман меҳмони бўлди.



“Битта қўлнинг бармоқлари бўламиз...”

Туркия бош вазири Ражаб Тоййиб Эрдўгон мамлакатнинг араб олами билан муносабатлари ҳақида гапирар экан, “Умид қиламан, биз битта қўлнинг бармоқлари бўламиз. Бизнинг бир умумий келажагимиз бор” дея таъкидлади. Чунки Туркия халқи ўз оға-иниларини ҳеч қачон ёлғиз қолирмайди”, деди.



Жидда — Санкт-Петербург дўстлиги

22 май куни Саудия Арабистони шаҳзадаси Холид ибн Файсал Россияга ташриф буюради. Россия ташқи ишлар вазирлиги тамаддунлар ҳамкорлиги маркази



директори Вениамин Попов айтишича, ҳар икки мамлакатнинг иккинчи пойтахтлари – Жидда билан Санкт-Петербургда биродарлашган шаҳарлар мақомини бериш масаласи муҳокама этиляпти. Шунингдек, яқинда қирол Файсал маркази раҳбари, Саудия таълим вазири ўринбосари Файсал Муаммар рус ва араб тилларида китоблар нашр этиш юзасидан ўзаро келишувни имзолади.



Тинчликка хизмат қилайлик

МАГАТЭнинг собиқ раҳбари Муҳаммад Барадей йирик ғарб мамлакатларининг Яқин Шарқ минтақаси мамлакатларида кескинлик кучайишига, қўпоровчилик авж олишига сабаб бўлаётганини таъкидлади. Унинг айтишича, энди ғарб давлатлари минтақада зўравонларни қўллаб-қувватлаш сиёсатидан воз кечишлари керак. Куч ва қуролга эмас, балки тинч мулоқотларга, фуқаролик жамияти ривожлантиришга, ўзаро ҳамкорликка асосланиб иш кўриш ҳамма учун фойдали бўлади.

Эслатиб ўтамиз, МАГАТЭнинг собиқ раҳбари Муҳаммад Барадей навбатдаги сайловларда Миср президентлигига ўз номзодини қўймоқчи бўлиб турибди.

Мўминнинг зиммасида бошқа мўминларнинг ҳақлари бор. Бу ҳақларни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларида санаб ўтганлар.

Абу Хурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мусулмоннинг мусулмондаги ҳаққи олтидир: салом бериши; дўсти чақирса, бори-

олиш ниятида борилади. Касал ётган хонага киргач, у ердаги нарсаларга қарайвериш, касалнинг юзига тикилиш яхши эмас. Зиёратчи касалнинг тиззалари тўғрисида ўтириши суннатдир. Уни толиқтириб қўймаслик керак. Ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) қачон касал кўргани борсалар, унинг ҳолини сўраб: “Аллоҳ сенга шифо берсин”, деб дуо қилар, ортиқ гапир-

КАСАЛЛАРНИ ЙЎҚЛАШ ФАЗИЛАТИ

ши; насиҳат сўраса, насиҳат қилиши; акса уриб Аллоҳга ҳамд айтса, яхшилик тилаши; касал бўлса, бориб кўриши; вафот этса, жанозасида қатнашиши”, деганлар» (Муттафақун алайҳ).

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадисда олти ҳақни санашлари булардан бошқа ҳақлар йўқ дегани эмас, балки уларнинг муҳимлигини эслатишдир. Мўмин тоби йўқ дўстини йўқлаши, кўнглини сўраши, ҳаққига дуо қилиши билан зиммасидаги бурчлардан бирини адо қилади ва улуғ ажр-савобларга эришади.

Абу Хурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинишича: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Қачон бир киши тоби йўқ дўстини кўргани борса ёки йўқласа, Аллоҳ таоло унга: “Сен яхши қилдинг, бу юришинг яхши бўлди, жаннатдан бир жойни эгалладинг”, дейди» деб айттар эканлар.

Касал йўқлашнинг ҳам ўзига яраша одoblари бор. Касал одам ҳузурига савоб

мас эканлар. Ҳол-аҳвол сўраб бўлгач, касалнинг ҳаққига дуо қилинади.

Қайтишда, агар ҳоли кўтарса, касалдан ҳам дуо сўраш керак. Чунки босқон темирнинг зангини тозаланидек, касаллик одамнинг гуноҳларини кетказди. Гуноҳлардан пок кишининг дуоси ижобат бўлиши хабарларда кўп айтилади.

Ирода МИРЖАЛИЛОВА,
Имом Бухорий номидаги
Тошкент Исломи институтининг
битирувчиси



БИР САВОЛ СЎРАСАМ...



Савол. *Хурматли муфтий ҳазратлари! “Бақара” сурасининг 215-оятдаги “Нимани хайр-эҳсон қилсангиз, ота-она, қариндош, етим, мискин ва мусофирларга қилинглр!”, мазмунли оятни шарҳлаб берсангиз. Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

(Навоий вилояти Хатирчи туманидан тушган савол)

Жавоб: Аллоҳ таоло одамларни тўғри йўлга бошлаш учун Қуръони каримни туширди ва унда дунёда тўкис яшаб, охирада қутқарилишларига сабаб бўлувчи амалларни баён қилди. Сиз шарҳлашни сўраганингиз оятда ҳам ана шундай амаллардан бир нечтаси эсланган. Яъни: **“Сиздан (эй Мухаммад) қандай эҳсон қилишни сўрайдилар. Айттинг: “Нимани хайр-эҳсон қилсангиз, ота-она, қариндош, етим, мискин ва мусофирларга қилинглр! Аллоҳ ҳар қандай қилган эҳсонларингизни билиб турувчидир” (Бақара, 215).**

Оят кимларга инфоқ-эҳсон қилиниши кераклигини ўргатяпти:

1. Ота-онага: Инсон учун энг яқин кишилар унинг ота-онаси бўлгани ҳамда уларнинг ҳақи кўп бўлгани боис, оятда уларга биринчи навбатда инфоқ-эҳсон қилишга буюрилмоқда. Оятларда Аллоҳ таолога ибодат қилиш баробарида ота-онага яхшилик қилишга ҳам тарғиб этилган: «**Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди.** (Эй инсон) **Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга “уф!..” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт! Уларга, меҳрибонлик билан хор-**

лик қанотини паст тут ва (дуода): **“Эй, Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!” деб айт» (Исро, 23-24).**

“Уларга ёқимли сўз” деганда ота-онани номи билан чақирмаслик, балки “отажон, онажон” каби сўзлар билан мурожаат қилиш, уларни ранжитадиган гапларни гапирмаслик, улар олдида ўзини қул ёки чўрилардек тутиш кабиларни тушуниш керак (*Имом Насафий ва Хозин тафсири*).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам ҳадисларидан бирида Аллоҳ таолога энг сеvimли бўлган амаллар қаторида, ўз вақтида ўқилган намоздан сўнг, ота-онага яхшилик қилишни зикр қилганлар.

2. Қариндош-уруғга: Қариндош-уруғга инфоқ-эҳсон қилиш билан киши икки ҳисса савобга эришиши ҳақида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: **“Мискинга қилинган садақага битта савоб, қариндошга қилинган садақага иккита савоб: бири садақа, иккинчиси силаи раҳм учундир”,** деганлар. Бошқа ҳадисда кимларга эҳсон қилиш кераклиги ҳақида сўралганида, Онҳазратлари: **“Онанга, отанга, опасинглинга, ака-уканга, сўнгга бошқа яқинларинга”,** деб жавоб берган эканлар.

3. Етимларга: Албатта, етимлар жамиятдаги энг ожиз ва ҳимоясиз тоифа бўлгани учун уларга яхшилик қилиш, инфоқ-эҳсон улашиш энг савобли амаллардан ҳисобланади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Етимни қарамоғица олган киши билан мен жаннатда мана бундай ёнма-ён турамиз”,** деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларини кўрсатдилар.

4. Мискинлар (яъни, бирор мулкка эга бўлмаган кимсалар)га: Қуръони карим оятлари ва ҳадисларда мискинларга эҳсон қилишга кўп тарғиб қилинган. Мискинлар фарз закоти ва фитр садақаси олишга ҳақи кишилар бўлиб, уларнинг ҳолатини чиқариш улкан савобли ишдир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Бева ҳамда мискинга инфоқ қилиш учун саёй қилган киши Аллоҳ йўлида жидду-жаҳд қилган, туни билан намоз ўқиган ва куни бўйи рўза тутиб юрган киши кабидир”,** деб марҳамат қилганлар (*Муттафақун алайҳ*). Мискинга ёрдам бериш, имконияти бўлмаган тақдирда, унга эҳсон қилишга бошқаларни тарғиб қилиш динимиз буюрган ишлардандир. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда дўзахга тушиш сабабларидан бирини зикр қилиб: **“Чунки у (дунёдалик пайтида) Улуғ Аллоҳга имон келтирмас эди. Мискинга таом беришга (ўзини ва ўзгаларни) тарғиб қилмас эди”,** деган (*Ҳааққа, 33-34*).

5. Мусофирларга: Киши мусофирчиликда турли хил қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Айниқса, моддий тангликка йўлиққан вақтда, ёрдам сўрайдиган яқин кишилари бўлмагани боис, қийналиб қолиши табиий. Ана шунинг учун ҳам оятда мусофирлар инфоқ-эҳсон қилинадиган тоифалар қаторида зикр қилинмоқда.

Диний ва дунёвий ўқув юртларида шартнома асосида ўқиётган талабаларга ҳам закот ва моддий ёрдам берилса, улуғ ажру савобга эришилади. Ояти каримада: **“Аллоҳ ҳар қандай қилган эҳсонларингизни билиб турувчидир” — дейилади. Бошқа оятда эса: “Сиздан нимани эҳсон қилишлари тўғрисида сўрайдилар. (Ўзингиздан) ортганини, деб жавоб беринг”,** дейилган (*Бақара, 219*). Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Хайр-эҳсоннинг яхшиси орттирилганидан қилинганидир”,** деб марҳамат қилганлар.

“Сўраган эдингиз” китоби асосида тайёрланди.

Исмоил Маҳмуд МАРФИЛОНИЙ

*Икки оламни гўзал этмоқ улуг җиммат эрур**Эътибордан қолмасин*

Ҳар киши ҳақ ишда бўлсин,
эътибордан қолмасин,
Эътибор топган азиз ул
дўсту ёрдан қолмасин.

Ишқида тутган мақоми бирла
қалб ёзсин қанот,
Қадри нурдан, қалби ҳам
навбаҳордан қолмасин.

Мубталолар бирла ҳар дил яшнасин,
очсин чирой,
Кўз очиб кўрган зиёси асли
бордан қолмасин.

Ота-она ҳам улуғлар бирла
қалб топсин шараф,
Ҳақ назар этган азизу
фазлу кордан қолмасин.

Қолмасин, дўстлар, назардан
бўлса бекми ё гадо,
Ҳар қачон огоҳи дил ул
шоҳсувордан қолмасин.

Жилваи ҳуснида, Маҳмуд,
ҳар кўнгил топсин ўзин,
Икки олам Сарвари —
ул интизордан қолмасин.

*Кўй қадам майдонга хос*

Эй инсон, сен, кўй қадамни
бу улуг майдонга хос,
Ҳақ таоло бизга берган
бебаҳо имконга хос.

Яхшилар бирла тутиб сен ҳар
қачон ростлик йўлин,
Зикрини кўйма тилингдан
суннату имонга хос.

Бу гўзал майдонда не-не зоти поклар ёди бор,
Барҳаёт руҳини шод эт сен азиз мардонга хос.

Икки оламда азиздир орифу оқил азал,
Юртни сев, миллатни севгил толиби давронга хос.

Ҳар замон Аллоҳники, сен шикоят қилма ҳеч,
Шукрини этгил замоннинг, бурма юз шайтонга хос.

Бебаҳо фурсатни нодон ўтказар нафс комида,
Сен ҳаёт йўлинг азиз тут ул асл фармонга хос.

Икки олам раҳматидан ҳар киши топгай қадр,
Халқаро, Маҳмуд, қадам кўйса агар инсонга хос.



* * *

Соғ-омон юрмоқ сенга, дўст, катта бир давлат эрур,
Тандурустликда расо турмоқ ажиб талғат эрур.

Ҳар нафас, билки, саодат, ҳар қадам, билки, азиз,
Хушҳаво борлиқда бўлмоғинг ўзи ҳикмат эрур.

Юзқаролик бирла кетди қанчалар йўлдан озиб,
Беҳижолат доимо ҳол сўрмоғинг ҳурмат эрур.

Тўқ юриб, гафлатда қолгандан кўра камлик аро,
Бас, ёруғ юз бирла жим ўтган кунинг раҳмат эрур.

Кўрмадим ҳою ҳавас, деб иштибоҳга берма дил,
Ким анинг комида қолса, чиқмоғи гурбат эрур.

Паст-баланд отгай азалдан бу ҳаёт офтоблари,
Тўғрилиқ расмида қилган ҳар ишинг рағбат эрур.

Бу саодат ичра Маҳмуд, мағфират йўлини топ,
Икки оламни гўзал этмоқ улуг җиммат эрур.

Марфилон



Абдуғафур МАМАТОВ

* * *

“Баҳорга чизгилар” туркумидан

Оқшом тўшар тўшамчисини,
Ором олмоқ истаиди борлиқ.
Баҳор сочган тунги атрини,
Барчага тенг аталган ёрлиқ.

Ой ҳам тиниқ, билиб қадрини,
Оромини бузмайди тунни.
Юлдузлар ҳам ойдан андоза
Олиб, кутар жимгина кунни.

Баҳор ҳиди ҳукмрон бунда,
Сукунат гул атрига тўйган.
Эс-ҳушидан айрилган тунда,
Шаббода ҳам ўзини тийган.

Тебранмайди бирор бир майса,
Дарахтлар ҳам янги тўн кийган,
Қувончлари сигмас ичига,
Юзларини шабнамга чайган...



* * *

Ёлғизоёқ йўллар бузилиб кетди.
Сув оқмаган сойлар кўмилиб кетди.
Отамни кўргани боролмайман ҳеч,
Баҳоналар роса чўзилиб кетди.
Отамни соғинсам тинч ётолмайман,
Ўзимни қўйгани жой тополмайман,
Болалик дамларим бағримни ёқар,
Соғинчларим аччиқ ёш бўлиб оқар.
Биламан, соғинчим сездирмас отам,
Қувончи ичида, билдирмас отам,
Сабру қаноатда тенги йўқ отам,
Бунни ҳам билдирмас, кўнгли тўқ отам.
Кексалар кам уйқу, саҳар туради.
Тушларида отам мени кўради.
Бомдод намозини ўқиб бўлганда,
Фарзандлар ҳаққига дуо қилади,
Яратгандан тинчлик сўраб туради.



Хаёлот

Уфққа таралди камалак ранглар,
Хаёлим жимгина қишлоққа кетди.
Қулоғимга келиб қадим оҳанглар
Унут ҳисларимни кўзғатиб ўтди.
Шаҳар шовқинлари қолди адашиб
Азим биноларнинг пештоқларида.
Чопиб бораяпман гўдакдек шошиб,
Дарахтлар олқишлар япроқлари-ла.
Сут иси анқиган тонглар нафасин
Унутиб қўйибман чоғи шаҳарда...
Менсиз қолган гўр орзуларнинг
Оғушига чўмиб кездим саҳарда.
Тупроқ кўчалардан юриб пиёда
Покиза туйғулар изларин кўрдим.
Барча қувончлардан кўриб зиёда
Болалигим билан сўзлашиб юрдим.

Тошкент



Суюндик МУСТАФО

Олгин дуо

Роҳати дил истасанг, олгин дуо, олгин дуо,
Тинч кўнгил истасанг, олгин дуо, олгин дуо.

Шул эрур нурли баён, жумла валийлар лафзидин,
Ҳақ, ҳидоят кўзласанг, олгин дуо, олгин дуо.

Оқ суту туз ҳаққини узмоқ учун бор бир асос,
Ота-она то ҳаётдур, олгин дуо, олгин дуо.

Ҳеч қачон тортма қўлинг, аҳли қондош кафтидан,
Меҳрибонлик ҳам нажотдир, олгин дуо, олгин дуо.

Озордан сақлан мудом, қаҳринг учун келгай ситам,
Холиси ҳиммат билан, олгин дуо, олгин дуо.

Даф этар эҳсон балони, қўл очиққа йўл очиқ,
Муҳтожа этмай маломат, олгин дуо, олгин дуо.

Аҳли дониш айтиб ўтмиш зўру зарнинг қисматин,
Дўсту ёринг иззатидин олгин дуо, олгин дуо.

Эй Суюндик, кенг оламни тор бичиб, тор ўйлама,
Элу халққа хизматингдин олгин дуо, олгин дуо.

Нурота

БОШҚА-БОШҚА ДУНЁ ОДАМЛАРИМИЗ...МИ?

Аёл қозига эридан арз қилиб келди. Қози аёлдан сабабини сўради. Аёл жавоб берди:

— Бир ой бурун эрим менга тувакда гул олиб келди ва кўп сув ичишини айтиб, фалон-фалон вақтда сув қуйиб туришимни тайинлади. Гулларни жуда яхши кўраман. Касал бўлсам-да, ҳатто ярим кечаларда ҳам туриб эримнинг айтганини қилдим. Лекин шунча қийналаётганимни билса ҳам, бирор марта кечаси ўрнидан туриб, мен қуйиб қўяман, демади. Менга ачинмайдиган, авайламайдиган киши билан яшашни истамайман.

Қози эрини чақиртириб бу ҳақда сўради ва бундай жавоб олди:

— Аёлимнинг ҳамма гапи тўғри. Фақат тадбир учун гулни кўп сув ичади деган эдим. Аслида келтирган гулим кўп сув ичса, тез нобуд бўлади. Айтганидай, аёлимнинг суяк хасталиги бор. Унинг давоси учун кўп ҳаракат қилиши керак. Гап билан уқтира олмагач, гул ҳақидаги “ёлғон”ни тўқишга мажбур бўлдим. Кечаю кундуз маълум вақтда гулни суғоради, яъни ҳаракат қилади. У ҳар кеча уйғонганида мен ҳам уйғоқ бўлар эдим. Ишини битириб ётганидан сўнг ўрнимдан туриб, гулнинг сувини тўкиб, тупроғини қуритардим...



Баъзан эр-хотинлардан “Бошқа-бошқа дунёнинг одамларимиз”, деган нолишларни эшитиб қоламиз. Чиндан ҳам шундайми? Бир-биримизни тушуниш шу қадар қийинми? Тушунмовчиликни энг кўп келтириб чиқараётган қайси биримиз?

Бу саволларга жавоб ахтарадиган бўлсак, бир ҳақиқат қаршимизга чиқади — бу ҳам бўлса, эркак ва аёл ҳис-туйғулари ўртасидаги фарқ. Масалан: Аёллар эркаклардан кўра нозик, инжа ҳиссиётли бўлади. Кўпинча, туйғуларига асосланиб ҳукм чиқаришади. Бу ўринда бир нарсага эътибор қаратиш керак — туйғулар қанча юзада бўлса, уларни идора этиш шунча қийинлашиб бораверади. Эркаклар эса, туйғулари чуқурроқда бўлгани учун кўпроқ ақл билан иш тутишади, яъни ҳисларига кўп ҳам эрк бераверишмайди.

Бирор нарса юзасидан хулосага келишда аёл учун сўровлар муҳим бўлса, эркаклар кузатувларига таянишади.

Булардан чиқаришимиз лозим бўлган хулоса — эркак ва аёл ўртасидаги фарқли томонлар фожиа эмас, неъматдир. Аслида ҳам, бир хилликдан кўра, фарқлилик яхши эмасми? Қайсиниси қийин — ўзгани тузатишми ё ўзимизни ўзгартиришми? Ёки ўзгартириш учун сарфланадиган куч-ғайратни мувофиқлаштиришга ишлатган яхшими? Агар бу саволлар жавобига тўғри ёндаша билсак, эр-хотин бошқа-бошқа дунёнинг одамлари эмас, айнан бир-бирларини тўлдирадиган елкадошлар эканларини англаб етамиз. Шу фикрда собит қола билсак эди...

Сарвинисо КАМОЛОВА

руҳиятшунос

Кўчада жаҳлимиз чиқади... Аламимизни уйдагилардан оламиз...

Бошлиқ ходимини уришади, ходим уйга келиб, аёлига дағдаға қилади, аёл аламин боладан олади, бола укасини савалайди, ука ҳовлидаги мушукка тош отади...

Нимадир ёмонлик кўчада бўлади, зардаси уйдагиларга — энг яқинларимиз, ҳаммиса бизга тиргак бўлишга тайёр жон-жигарларимизга...

УЙИМИЗ МАНБАИ



Нега назокатли муомаламуносабатларни фақат кўчадагиларга қўллаймиз? Ахир, энг яхши сўзларимиз, туйғуларимиз, муҳаббатимизга уйдагилар ҳақли эмасми? Ахир ҳаётимизнинг мазмуни, яхши-ёмон кунимизда доим ёнимизда бўладиганлар шулар-ку?

Уйдаги келишмовчиликларда ўзимизни худди биздан бошқа ҳамма айбдордек тутамиз. Қирқ йилда бир кўрадиган танишимизга қиладиган чиройли муомала-

мизнинг қирқдан бирини уйдагиларга кўрсатсак, қанча муаммолар ечилиб кетишини ўйлаб кўрмаймиз.

Ҳеч биримиз кўчада ёмон таассурот қолдиришни истамаймиз. Курсдошимиз, ўқитувчимиз, бошлигимиз, ҳамкасбимиз билан муносабатларда имкон борича юмшоқ бўлишга ҳаракат қиламиз. Уйда эса, ўзгариб қоламиз. Ўзимизча изоҳ берамиз: “Кун бўйи кўчадаги-

ҲАЛОВАТ БЎЛСИН

ларникини кўтариб чарчадим, сизларники ортиқча...”

Кўчадагиларнинг оғири уйдагилар эвазига бўлиши инсофданми?.. Ташқарига сочаётган меҳримизни хонадонимиздан қизғансак... яъни, ота-онамизга, опа-сингил, ака-ука, эримиз (ё хотинимиз)га, болаларимизга беришимиз керак бўлган муҳаббат-марҳаматнинг барчасини кўчадагиларга тарқатсак... қайси ўлчовга сиғади?

Инсоннинг ҳаёти кимгадир кераклигини англаб туриши билан мазмунли. Биз энг олдин оила аъзоларимизга, жигарларимизга, яқинларимизга керакмиз. Ўзининг қадрли эканини билиш, ҳис қилиш кишига чексиз шодликлар беради. Қадрли бўлиш учун қадрдонларимизнинг қадрига етайлик. Эшикдан ичкари кирар эканмиз, ташқарининг ташвишларини ташқарида қолдирайлик. Уйимиз бизга, биз уйимизга ҳаловат манбаи бўлайлик...

Дилноза ТҶИЧЕВА,
Қариш

БУЗҒУНЧИНИНГ БИТТАСИ ҲАМ КЎП

Ҳозирги замон миссионерлари таълимни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ёрдамлар кўрсатиш баҳоналари билан турли жамиятлар тузишиб, жуда кўп мамлакатларда иш олиб боришяпти.

Уларнинг турли халқлар диний эътиқоди, урф-одатлари ва муаммоларини ўрганувчи тадқиқот марказлари бор. Миссионерлар бузғунчи гоёлари акс этган китобларни чоп этишдан маблағларини сира аяшмайди.

Миссионерлар бугун инсон ҳуқуқлари борасидаги қонунлардан ҳам ўз мақсадлари йўлида усталик билан фойдаланишяпти. Мурувват ниқоби остидаги ишлари қайси давлатда чекланса, халқаро меъёрий ҳужжатлар бузилаётгани, инсон ҳуқуқлари поймол этилаётгани ҳақида жар солишади. Кўпинча “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси”, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро қонун”ларда келтирилган ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлигига эгаллиги, ахборот ва гоёларни излаши, олиши ва тарқатиши кафолатлангани ҳақидаги бандларни мисол қилиб келтиришади.

Аммо улар ушбу халқаро ҳужжатларда ҳам худди бизнинг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунимиздаги каби олдин виждон эркинлиги дахлсизлиги эътироф этилиб, сўнгра миссионерлик тақиқлаганини негадир “унутиб” қўйишади.

Ҳозир миссионерларнинг кўпи протестантлардир. Улар асосан ривожланган, аҳолиси кўп йирик шаҳарларда жой-

лашиб олишган. Турли усуллар билан одамларни ўз йўлларига оғдиришади.

Миссионерларнинг катта жамоаларидан бири “Иеҳово шоҳидлари”дир. Бу оқимни Чарлз Тейз Рассел ташкил этган. У 1870 йили АҚШнинг Пенсилвания штатидаги Питсбург шаҳрида мустақил “Библияни ўрганиш курслари”ни очади. 1931 йилга келиб, ташкилот “Иеҳово шоҳидлари” номини олади. Улар асосан уймау-уй юриш ва китоблар тарқатиш билан ўз издошларини кўпайтиришга ҳаракат қилишади. Улар тарғиботни кучайтириш ва китобларни нашр этиш учун “Кўриқчи минораси”, “Библия ва рисоалар жамияти”ни тузган. Жамият қароргоҳи АҚШнинг Бруклин шаҳрида жойлашган. Ташкилотнинг “Кўриқчи минораси”, “Уйғонинг!” журналлари турли тилларда, жуда кўп нусхада нашр этилади. Ушбу журналлар асосан миссионерлар сафини кенгайтиришга хизмат қилади.

Миссионерлик ҳаракатларининг бир неча турини санаб ўтдик, холос. Дунёда яхшилар қанча кўп бўлса, шунча оз. Аммо бузғунчининг биттаси ҳам кўп. Улардан эҳтиёт бўлайлик.

Акмал ТОШЕВ,
«Ишонч» газетаси муҳбири



Совет даврида машғум қатағонга учраган ватанпарвар арбоблар ҳаёти ва таржимаи ҳолларида тикланиши лозим бўлган нуқталар кўп. Шундай инсонлардан бири, ўтган асрнинг 20-йиллари юқори лавозимларда ишлаган Султон қори Жуманиёзов фаолияти ҳам кўпчиликка маълум эмас.

СУЛТОН ҚОРИ КИМ БЎЛГАН?

Соатсоз уста Султон қори Жуманиёзов 1878 йили Хивада деҳқон оиласида дунёга келди. У катта амалларни орзу қилмаган, ҳунар эгаллаб, оила қуриб, тинч умр ўтказмоқчи эди. Аммо ҳаётнинг йўриғи бошқа экан...

Таржимаи ҳолида ўзи бундай ёзади:

“Мен инқилобгача олдин соатсозлик, кейин тикувчилик қилдим. Урганчдаги Хўжақули мадрасасида уч-тўрт йил ўқиб, қори бўлдим. Ҳар йили рамазон ойи таровехда Қуръони каримни бошдан-охир тиловат қилиб берар эдим. Инқилобдан кейин жамоат ишларига қатнаша бошладим. 1920 йили фирқага қабул қилишди. Мен фирқага кириш вақтида қори эканимни айтдим. 1920 йилдан 1921 йил сентябр ойигача Янги Урганч тумани Ижроия Қўмитасида котиб бўлиб ишладим. Кейин мени Масковдагилар Хоразм Халқ Жумҳуриятининг Ваколатли Вакили этиб тайинлашди. 1922 йили олдинги ишимга (котибликка) қайтдим. Ўша йилнинг охирида мени маориф кўмиссари этиб тайинлашди. Совет ҳукумати миллий чегараланиш ўтказгунча турли лавозимларда ишладим. 1925–1927 йиллари уезд бўлими мудир, 1927–1929 йиллари адлия вазирлигида меҳнат шўъбаси раиси вазифасини бажардим”.

Султон қори Жуманиёзовнинг тўққиз-ўн йиллик умри ана шундай қизғин ўтди. У узоқ-яқин, ёз-қиш демай, тер тўкиб ишлайверди. Рамазон келса, таровехларда Қуръон хатмини ҳам қанда қилмади. Фирқа аъзосиман деб тоатибодатларини ташлаб қўймади. Шу боис 1929 йили ижтимоий ёт унсур си-

фатида фирқадан ўчирилиб, барча ишлардан четлаштирилди.

Султон қори хотини, тўрт боласи ва қари қайнотасини боқиш, ҳаётини изга тушириш чораларини излади. Аммо унга барча йўллар ёпилган, кеча “азиз” саналган инсон бугун четга суриб ташланган эди. 1930 йилгача иш қидириб, овораю сарсон юрди. Фирқа раҳбарларига аризалар ёзди. Аризаларидан бири билан танишган Акмал Икромов (у Султон қори Жуманиёзовни яхши биларди) фирқага тикланишида ёрдам берди. Шундан кейин Султон қори 1934 йилгача Хонқа туман ҳунармандлар саноати уюшмаси (кустарпромсоюз)да сиёсий маориф ходими бўлиб ишлади. 1934 йилдан 1937 йил 27 августигача Хива давлат музейига директорлик қилди.

НКВД Султон қорини «аксилнқилобий “Миллий истиқлол” ташкилотининг аъзоси сифатида мунтазам аксилнқилобий ҳаракат олиб бориш»да айблаб, 1937 йил 27 августда ҳибсга олади.

Тергов ҳужжатларида Султон қори Жуманиёзовнинг инқилобга қарши курашга тарғиб қилганига ишорани ҳам учратмадик. Терговчи ҳам сўроқ жараёнида бирор марта бу сўзни тилга олмаган. Саволларга эътибор берайлик:

« – Сизни нима учун фирқадан ўчиришган?


– Фирқавий тозалаш пайтида мени руҳоний – қори, болшевиклар фирқаси сафида бўлатуриб диний маросимларни бажаришда давом этган, деб айб қўйишди. Лекин округ фирқа қўмитасининг қарорини Марказий қўмита бекор қилиб, мени ЎзВКП(б) аъзолигига тиклади.

– Сиз халқ душмани Файзулла Хўжаев билан учрашмоқчи бўлганингизни тасдиқлайсизми?

– Йўқ, тасдиқламайман. Файзулла Хўжаев билан учрашишни хаёлимга ҳам келтирган эмасман.

– Терговга сизнинг «Озод Туркистон» ташкилотининг аъзолари Қориев, Бобожонов, Отабоев билан алоқадор бўлганингиз маълум, сиз буни тан оласизми?

– Менинг номлари юқорида тилга олин-





ган кишилар билан алоқам бўлмаган.

– Сиз Хива музейидан аксилинқилобий миллатчилик руҳида фойдаланиб, ҳақиқий инқилобчиларнинг фотографиялари билан бир қаторда хон амалдори Исломхўжа ва бошқалар суратини ҳам намойиш қилгансиз.

– Ҳа, “феодализм” бўлимида барча собиқ Хива хонлари ва амалдорларининг фотолари қўйилган эди, 1936 йилнинг январидан мен уларни олиб ташладим.

– Бу билан сиз аксилинқилобий миллатчилик мақсадида собиқ хон аъёнларини онгли равишда оммалаштирмоқчи бўлгансиз. Сиз ўзингизни айбдор деб биласизми?

– Йўқ, мен буни инкор қиламан.

– Сиз 1920–1923 йиллар ичида «Иттиҳод ва тараққий» ташкилотининг аъзоси бўлгансиз, буни тан оласизми?

– Йўқ, мен бу ташкилотга аъзо бўлган эмасман. Бундай ташкилот борлигидан мутлақо хабарим йўқ. Бошқа ҳеч нарса дея олмаман: Жуманиёзов».

1937 йил сентябр, октябр ойларида ўтказилган сўроқларда ҳам шундай савол-жавоблар бўлган. Аниқ бир нарсада айбдор қилишнинг уддасидан чиқишолмаган бўлишса ҳам, Султон қори Жуманиёзов 1937 йил 28 ноябр қарори билан отишга ҳукм қилинади. Ҳукм 1937 йил 26 декабрда ижро этилади.

Бир меҳнаткаш инсон, давлат арбобининг ҳаёт чироғи шу тариқа сўндирилади.

Султон қори Жуманиёзов Хоразм вилоят суди ҳайъатининг 1960 йил 1 июл қарори билан оқланган.

Сирождин АХМАД

БИР СОАТИНГИЗНИ БЕРИНГ...

Эрталаб болалари уйғонмасидан чиқиб кетган ота кечкурун ишдан чарчаб уйга келди. Остонада уни кутиб турган ўғилчаси:

– Дадажон, бир соатда қанча пул топасиз? – деб сўради. Отаси:

– Бу сенинг ишинг эмас – деди. Бола эса яна:

– Дадажон, айтақолинг, илтимос, буни билишни жуда истаётман, – дегач, отаси:

– Майли, жуда ҳам истаётган бўлсанг, айтгай:

– Бир соатда йигирма минг сўм топаман... – деди. Бола шошапиша:

– Дадажон, менга ўн минг сўм қарз бериб туринг, – деди. Ота ўғлини уришиб берди:

– Бунча пулни нима қиласан, майда-чуйда ўйинчоқларингга ёки бўлар-бўлмас нарсалар учун берадиган пулим йўқ. Нима керак бўлса, ўзим олиб бераман. Тез хонангга бор!

Бола хафа бўлиб, хонасига кетди. Ота асабийлашиб: “Бу бола нега бундай нарсаларга журъат қиляпти?” деб ўйлади.

Бирор соатдан сўнг ҳовури-

дан тушиб, боласи нима учун пул сўраганини билгиси келди. Секин ўғлининг хонаси эшигидан мўралади. Ҳали ухламаган экан, ёнига кирди. Қўпол гапиргани учун узр сўраб, айтган пулни берди ва:

– Бу пулларни нима қиласан? – деб сўради. Ўғли пулларни олар экан:

– Катта раҳмат сизга, дадажон! – деди қувонч билан. Сўнг шошганича ёстигининг тагидан яна гижимланган пулларни чиқарди. Ҳаммасини қўшиб, санади. Отаси ҳайрон бўлиб:

– Пулинг бор экан-ку, нега яна сўрадинг? – деди. Бола:

– Бор эди, лекин етмасди, – дея табассум билан пулларни дадасига узатди ва:

– Мана йигирма минг сўм, энди бир соат вақтингизни менга ажратинг, илтимос, – деди.



МАШАҚҚАТ ОРТИДА ЕНГИЛЛИК

Бир куни набира бувисига:

– Бувижон, ҳаётда ёқимсиз ишлар кўп-а, кўчада, мактабда муаммолар, касалликлар... – деди.

Нимадир пишираётган бувиси унинг шикоятларига парво қилмай:

– Болам, бирон нарса еб оласанми? – деди.

– Ҳа-да.

– Ҳув идишда пахта ёғи турибди, ич, – деди бувиси.

Бола хайрон бўлди:

– Ёғни қандай ичаман?

– Бир жуфт хом картошкага нима дейсан?

– Йўғ-е...

– Унда бир оз ун ёки пишириқ содаси...

– Бувижон, айтаётган нарсаларингизни хомича еб бўлмайди-ку.

– Шунақа, болам. Бу нарсаларни хомича еб бўлмайди. Аммо уларни қўшиб пиширсак, ажойиб овқат бўлади. Аллоҳ таоло ҳам бизларни синайди. Ёмон нарсага дуч келсак, нолиймиз. Аммо ўша қийинлик ортида биз учун фойда борлигини унутамиз. Бизга ёмон кўринган нарсанинг оқибати яхши бўлиши ва, аксинча, яхши бўлиб кўринган нарса ёмон натижа бериши мумкин. Шунинг учун ҳеч нолимасдан, ишларимизнинг оқибати яхши бўлишига ишониб ҳаракат қилаверишимиз керак, болам, – деди бувиси.

*Тошкент Ислом
институтини талабаси*

Дилафрўз САЛОҲИДДИН ҚИЗИ
тайёрлади.



Жалолоддин РУМИЙ

ҲАЙВОНЛАРНИНГ ТИЛИНИ БИЛГАН ОДАМ

Бир одам Мусо пайгамбарнинг (алайҳиссалом) олдиларига келиб:

– Мени дуо қилинг, ҳайвонларнинг тилини тушунадиган бўлай, – деди.

Ҳазрати Мусо:

– Ўзинг кўтара олмайдиган юк остига кирма. Сен учун шу ҳазилнинг яхши, – дедилар.

Келган одам яна ҳол-жонларига кўймади:

– Ҳеч бўлмаса, эшигимда ётган ит билан хўрознинг тилини биладиган бўлай...

Мусо (алайҳиссалом) бу ниятидан қайтаришга қанча уринмасинлар, у оёқ тираб туриб олди. Ниҳоят, ҳазрати Мусо унинг ҳақига дуо қилдилар. Одам севишиб, уйига қайтди.

Кейинги кун хизматкори нонушта қилай деб супага дастурхон ёйаркан, бир парча нон ерга тушиб кетди. Хўроз чаққонлик билан нонни илиб олди. Унинг бу ишидан ит газабланди:

– Ҳой хўроз, шу ишинг яхшими? Сен бугдой ҳам ея оласан, арпа ҳам. Маккажўхори ҳам сенинг емишинг, бошқа ушоқлар ҳам. Менинг эса шу бўсағада нондан бошқа нарса ейишга имконим йўқ. Нега менинг ризқимга кўз олайтиряпсан?!

Хўроз жавоб берди:

– Ҳақлисан, бироқ ҳеч қайгурма. Эртага хўжайиннинг эшаги ўлади, маза қилиб қорнингни тўйгизасан.

Бу гапни эшитган одам эшагини бозорга чиқариб сотди. Кейинги кун эрталабдан ит билан хўрозни кузата бошлади.



Ит хўрозга таъна қиларди:

– Хўрозвой, эшак ўлиб, биз қорнимизни тўйдирмоқчийдик, нима бўлди?

– Эшак-ку, ўлишга ўлди, лекин гап бошқа ерда – хўжайин уни сотди. Аммо сен хотиржам бўл, эртага от ўлади, катта зиёфат сеники бўлади, – деди хўроз.

Буни эшитган уй эгаси дарҳол отхонага югурди. Отни бозорга олиб бориб сотди. Уйига қайтаркан, ҳайвонларнинг тилини тушунишим яхши бўлдида, қанча зарардан қутулдим, деб ўйларди.

Эртаси кун тонгда «Қизиқ, бугун нимани гаплашишаркан?» деб ит билан хўрознинг ёнига борди. Ит яна хўрозга жаҳл қиларди:

– Ҳой хўроз, бу сафар ҳам айтганинг бўлмади. Сен ҳам ёлғончиликни бошладингми-а?

– Йўқ, мен ёлғон сўзламадим. От ўларди, аммо хўжайин уни ҳам сотиб юборди. Бироқ ҳеч хафа бўлма. Эртага унинг хизматкори ўлади. Марҳум ҳақига берилажак хайр-эҳсон, овқатлардан ҳаммамиз тўямиз, – деди хўроз.

Бу суҳбатни эшитган ҳалиги одам вақтни беҳуда ўтказмади, яна олдингилардай тез чорасини кўрди.

«Шу хўроз билан итнинг тилини билишим жуда яхши бўлди-да. Мана, қанча зарарлардан омон қолдим», дея ўйлаб севинди одам ва эртасига ҳам ҳар галгидек ити билан хўрозининг гапларига қулоқ берди. Ит бу сафар ниҳоятда қизишган эди:

– Ёлғончи хўроз! Қани хизматкорнинг ўлганию бизнинг қорнимиз тўйгани? Неча кундир мени ёлғонларинг билан овутияпсан. Шу сенга ҳеч ярашадими-а?!

– Мен ёлғончи эмасман. Хизматкор ҳам ўлди, бироқ бу ерда эмас, бошқа жойда... Хўжайин яхши иш қилмади. Бало эшакка урилганида, бошқаларга тегмасди. Афсус... хўжайин гафлатда қолди, энди навбат ўзига, – деди хўроз.

Шарҳи:

Одам боласи табиатан қизиқувчан, ҳамиша билмаганини билишга интилади. Бу хоҳишини яхшиликка йўналтирса, янгиликка интилиш йўлида ишлатса, ҳам ўзига, ҳам жамиятга фойда.

Биз тақдиримизни олдиндан билолмаймиз. Файбни билиш учун ўзини қийнаш беҳудадир. Айниқса, ҳикоямиз қаҳрамонига ўхшаб воқеа-ҳодисаларни ғайритабиий йўллар билан олдиндан билиш, билганини фақат ўз фойдаси учун қўллаш, бошқаларга зарар етказиш ахлоққа терс ҳаракатдир. Файбга ишонишимиз, келажакимизни билмаслигимиз янада самарали ишлашимиз, ғайратли бўлишимизни таъминлайди. Яхшиликка ишонган, тўғрилиқ ва гўзалликни билган одам бутун куч-ғайратини шу йўлда сарфлашга масъулдир. Охирида эришилажак яхши натижанинг ўзига бўлмаса, кимгадир албатта фойдаси тегади.





Мавлоно Румий ҳикоя орасида: «Бир зарарга учраш бир неча зарарларни даф этади. Жисмимиз, молимиз жонларимизга фидодир, жонимизга келадиган бало Аллоҳнинг амри билан жисмимизга, молимизга урилади. “Ғазабга учрадингми, молингни бериб, бошингни омон сақлайсан. Буни билганинг ҳолда, балога йўлиққанингда не учун Аллоҳдан молингни олиб қочишга уринасан?” (3341-3342-байтлар)», деб насихат қилади.

Жунайд Бағдодий: «Бало ва мусибат орифлар учун қандил, Аллоҳ таоло йўлини изловчилар учун тарбияланиш воситаси, имондилар учун камчиликларни йўқотиш йўли, ғофилларга эса ўлим хабарчисидир. Киши мусибатга розилик кўрсатмагунича ва сабр қилмагунича имон ҳаловатини тополмайди», деганлар.

Шу ишонч таъсирдан бўлса керак, хонадонларимизда бирор нарса синса, «Зарари йўқ, келадиган бало шу билан даф бўлсин» ёхуд «Келган бало шунга урсин», деймиз. Демак киши бир мусибатга йўлиққанида бақариб-чақариш ўрнига, балки бу мусибат келгуси каттароқ фалокатнинг олдини олаётган бўлиши мумкинлигини ўйлаб, тасалли топиши керак.

«Маснавий» шарҳчилари садақа бериш бало-офатларнинг қайтарилишига сабаб бўлишини айтишиб, бу фикрга оят ва ҳадислардан далиллар келтиришади. «Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошоғида юздан дони бўлган етгита бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга (савобини) янада кўпайтриб беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдон зотдир» (*Бақара*, 261). Садақа балонинг қайтишига, умрнинг узайишига сабаб бўлади; садақа ёмон ўлимнинг олдини олади; садақа Аллоҳнинг ғазабига йўлиқишдан сақлайди, деган маъноларда ҳадислар ривоят қилинган.

Абдуллоҳ МУРОД
тайёрлади.

Динимиз барча жонли ва жонсиз нарсаларга шафқат билан тўғри муносабатда бўлишни буюради, уларга азоб беришдан қайтаради.

Абу Хурайрадан (розийаллоху анху) ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Бир одам йўлда қаттиқ чанқади. Қудук топиб, ундан сув олиб ичди ва ўша жойда бир итнинг ташналиқдан тупроқ ялаётганини кўрди. Ит ҳам мендек чанқабди деб ўйлади. Яна

қилса, албатта, бошвоқ ва оғзида махсус қафасчаси бўлиши мақсадга мувофиқ. Учинчидан, итларнинг дуч келган жойни ифлос қилишига йўл қўймаслик керак.

Ит сўлаги теккан идиш ва бошқа нарсалар қатрон қилинмагунича тоза бўлмайди. Итлар одамларга, айниқса, ёш болаларга суркалиб, сўлагини теккизиши мумкин. Яна итларнинг тунда ҳуриб, қўшнилари уйқусини бузиши ҳам бор.

— Бир кун и ёш боланинг

БОШҚАЛАРГА ОЗОР БЕРМАНГ

қудуққа тушиб, маҳсисини сувга тўлдирди ва оғзида тишлаб олиб чиқиб, итга сув берди. Аллоҳ таоло унинг гуноҳларини кечди» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Ов қилиш, ҳовли ва боғларни, экин далаларини, чорва ҳайвонларини қўриқлаш учун ит сақлаш мумкин. Абдуллоҳ ибн Умардан (розийаллоху анху) ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): «...Ов қилиш учун ёки чорвани пойлаш учун ит боқилса, зарари йўқ», деганлар (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Аммо итларни олиб-соттиш, бойлик ортириш ёки уриштириш учун боқишни динимиз қоралайди. Абдуллоҳ ибн Аббос (розийаллоху анху): «Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳайвонларни бир-бири билан уриштиришдан қайтарганлар», дейди (*Имом Термизий ривояти*).

Ит боқишда ҳам жамият аъзолари тинчлигини ўйлаб, маълум тартиб-қоидаларга риоя қилиш талаб этилади. Биринчидан, уни ҳовли ва хонадонларда боғлаб боқиш, иккинчидан, кўчага олиб чи-

қаттиқ бақирганини эшитдим — дейди бир маҳалладошимиз. — Набираларим ўйнагани чиқишувди.



Бирор нарса бўлдими деб, шошиб пастга қарадим. Ташқарида бир аёл қизалогини маҳкам кучоқлаб, тинмай юпатишга уринар, қизча эса қўрқиб кетганидан, дағдағ титрар эди. Маълум бўлишича, қўшнилardan бири итини сайр қилдиришга олиб чиқиб, бўш қўйиб юборган экан. Ит барибир ит-да, қизалоққа ташланганми ёки у билан “ўйнамоқчи” бўлганми...

Демак, зарурат бўлмаса, кўнгилахушлик учун ё бошқаларга ҳавас қилиб ит боқиш яхши эмас. Ҳадисларда, мўминнинг тилидан ҳам, қўлидан ҳам бировлар озор топмасин, дейилади. Киши ўзини, кўнгил ҳузурини ўйлаб, асло бошқаларнинг тинчини бузмаслиги керак.

Аббос ТУРСУН

ТОК ПАРВАРИШНИ ЁҚТИРАДИ

Ток қаламчасидан экилса, тез ҳосилга киради. Пишган новдалардан кузда олиниб, ток билан бирга кўмилади. Новдаларини нўябр ойида тўрт-беш, баъзисини олтинчи бўғинидан кесиб, дорилаб кўмиш керак (кўмилмаган ток



совуқдан омон қолса ҳам, узуми кичик бўлади). Шундан сўнг қавсда ёки қиш чилласида токка биринчи сув куйилади. Ҳамал ойида ток очилади. Олинган қаламчалар орасини икки ярим-уч метр қилиб, учинчи бўғинигача ерга кўмиб, экилади. Ток сўриси шимолга қаратилса, эрталаб шарқдан, кечга яқин ғарб томондан қуёш нурлари тегиб ўтади. Шунда бир текис ҳосил қилади. Токни очиб, дорилаб, яна сув куйиш керак. Бу сув ернинг захини олиб, тузларни ювиб кетади.

Ток новдаларини сўрига тик ҳам, ётиқ ҳам эмас, балки қияроқ тараш керак. Шунда новдалар илдиздан тенг озикланиб, бир текис мева қилади. Япроқ чиқариб, гулга ўтирмасидан бурун хомток қилиш керак. Чунки митти гулкосачалардаги мева озроқ қуёш нурида етилса, узуми ширин бўлади. Гули

тўкилиши билан яна хомток қилиш зарур. Мевасиз новдалар олиб ташланса, мевали шохчаларга озик кўпаяди.


Узум яхши чангганиши учун икки-уч хил навларини аралаш экиш лозим. Узум ғўра бўлгач, яна дори сепилса, шира тушиб, ғовлаб кетишдан сақлайди. Таъсири яхши, зарари кам дорини қўлбола тайёрласа ҳам бўлади: уч кило оҳакка олти кило олтингургуртни аралаштириб, 50 литр сувга солиб, бир соату қирқ дақиқа қайнатилади. Совигач, докадан сиздириб олинади. Иккита бир литрли идишнинг бирига тоза сув, иккинчисига аралашмадан солиниб, тарозида тортилади. Аралашма тоза сувдан 250 грам оғир бўлиши керак. Шу бир литрли идишдаги дори ўн литр сувга солиниб, токка пуркаб сепилади. Аралашманинг оғирлигидаги фарқ 250 грамдан кўп бўлса, кўпроқ, кам бўлса, камроқ сувга солинади.

Токка сўнгги – учинчи сув узуми пишай деб қолганида куйилади. Шу билан ток бир йилда уч марта сув ичган бўлади. Бундан ортиқ сув ҳосилнинг иришига, мазасизроқ бўлишига олиб келади. Сув ҳам, ўғит ҳам новдадан бир метр узокликдан берилиши керак.

Чарос, кишмиш узумлар яхши майиз бўлади. Майиз қилиш учун ер ишқоридан ёки анжир япроғидан беш-олти донасини 50 литр сувда қайнатиб, сўнг узум ботириб олинади ва соя жойга ёйиб, қуритилади.

Фарҳод АСҚАРОВ

Мактубларда манзаралар



ҚИШЛОҒИМ ФАХРИМ

Чодак юртимиздаги қадимий қишлоқлардан бири. Чодак олтин конининг доврўғи бир вақтлар бутун собиқ иттифоққа кетган эди. Бу ердан машҳур тасаввуф шайхлари, йирик уламолар етишиб чиққан. Қишлоғимизга ҳазрати Бобойи Самосий қадами теккан. Шоир Атоийнинг отаси Исмоил Атоийи зӣратгоҳи, Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий яшаган ҳовли бор.

Қишлоқ аҳли совет тузуми даврида ҳам имон-эътиқодини, диёнатини сақлаб қолди. 1901 йили Саиджамол Раҳматуллоҳ ўғли қурдирган масжидни қишлоқдошларимиз ўтган йили ҳашар йўли билан қайта таъмирлашди. Олдига катта айвон қурилди. Йигирма саккиз минг аҳоли яшаб турган, кўпгина тарихий воқеалар гувоҳи бўлган бу сўлим қишлоғим билан барча чодакликлар каби мен ҳам фахрланаман.

Абдуҳаким ЙЎЛДОШЕВ,

Поп тумани

